




**В. ГАУФ**  
**МИТТИ**  
**МУК**





**В. РАҶО**

**МИТТИ  
МУЖ**

**БУРУНБОЙ  
ПАНАНА**

Эртақлар

Тошкент

«ЧУЛПОН»

1992

Рус тилидан *Умида Юнусова* таржимаси  
Мухаррир: *Рауф Субҳон*.

Минги Мук ва Бурунбой Шакана исмиё болалари завқ-шавқ билан ўқийдиган эртакларнинг энг сеvimли қахрамонларидир.

Сиз мазкур китоб орқали бу қахрамонларнинг гаройиб саргу заштлари билан танишасиз.

4804010100—17  
Г  $\frac{\quad}{360 (04) 92}$  19—90

ISBN 5—8250—0207—3

© *Умида Юнусова*, 1991 й

# МИТТИ МУК



Мен тугилиб ўсган Никей шахрида Митти Мук исмли одам яшарди. Ўша пайтлар ёш бола бўлсам ҳам яхши эсламан, негаки унинг дастидан дадам бир куни роса таъзимни берганди. Митти Мук мукиллаган чол бўлиб, бўйи жимитдай эди. Кўриниши жуда кулгили, кичкинагина, қилтирик гавдасида сўлоқмондай калла гўдайкиб турарди.

Митти Мук ҳашаматли эски уйда танҳо яшарди. У, ҳатто, овқатини ҳам ўзи тайёрларди. Ҳар куни туш чоғи уйнинг мўрисида куюк тутун кутариларди; агар шу дуд бўлмаса, кўни-кўшнилари Миттининг тирик ёки ўлганлигини билишмасдиям. Мук фақат бир марта — ҳар ойнинг биринчи куни кўчага чиқарди. Лекин одамлар Митти Мукни окшомлари уйнинг текис томида юрганни кўришарди. Пастдан қараган одамга том тепасида баҳайбат калла уёқдан буёққа бориб келаётгандай туюларди.

Биз, шумтака болалар, ўткинчиларни мазах қилишни яхши кўрардик. Митти Мукнинг уйдан чиқиши биз учун ҳақиқий байрам бўларди. Шундай кунлари тўдалашиб унинг уйи ёнига келардик-да, кутиб турардик. Бир оздан сўнг эшик оҳиста очилиб, салла ўраган баҳайбат калла чиқиб келарди. Калла ортидан эгнига ранги ўчиб кетган эски камзул ва кенг чолвор кийган гавда кўринарди. Эшли камарига осилган ханжар шунчалар узун эдики — ханжар Мукка осилганми ёки Мук ханжарга осилганми, айтиш қийин эди.

Мук кўчага чиққанида биз шодиёна кийкириклар билан кутиб олардик ва атрофда телбалардек сакрардик. Мук мағрурона бош ирғар, чориғини шалоплатганча кўча бўйлаб юриб кетарди. Чориғи шундай катта эдики — бунақасини ҳали ҳеч ким кўрмаган. Бизлар унинг ортидан чопкиллаб: «Митти Мук! Митти Мук!» дея кичкирардик. Унга бағишлаб кушик ҳам тўқиган эдик:

Митти Мук, ҳей, Митти Мук,  
Қарагин у ён, бу ён,  
Митти Мук, ҳой, Митти Мук,  
Тутиб кўр бизни чакқон!

Миттивой бечорани биз кўп мазах қилардик. Ростини айтсам, уни ҳаммадан кўпроқ хафа қилганимдан уяламан. Мен доимо Мукнинг этагидан тутиб олишга уринардим. Бир гал атайлаб чориғини босиб олганимда шўрлик йиқилди. Бу менга жуда кулгили туюлди. Лекин Митти Мукнинг зўрға ўрнидан туриб тўғри отамнинг уйига қараб кетганини кўриб, нафасим ичимга тушиб кетди. У анчагача уйдан чиқмади. Мен эшик орқасига яшириниб, буёғи нима бўлишини кута бошладим.

Ахийри эшик очилиб, Митти чиқиб келди. Отам унинг кўлидан тутганча ҳурмат билан остонагача кузатиб келди, хайрлаша туриб таъзим бажо қилди. Мен ўзимни жуда ёмон ҳис этдим ва анчагача уйга қайтишга юрагим бетламади. Ахийри очлик

кўркувдан устун келди, бошимни кўтариш-  
га ботинмай, кўрка-писа уйга кирдим.

— Эшитишимча, Митти Мукни хафа  
килаётган эмишсан,— деди қатъият билан  
отам.— Унинг бошидан кечирганларини  
сенга сўзлаб бераман, балки, шунда сен  
Миттини мазах қилмайдиган бўларсан.  
Лекин қилмишингга ярашасини оласан.

Бу қилғилигим учун роса саваланишим  
керак эди. Лекин осон кўчди, отам бир  
тарсаки қўйиб:

— Энди диққат билан тингла,— деди.

Сўнгра у менга Митти Мукнинг саргу-  
заштларини сўзлаб берди.

Мукнинг отаси (аслида исми Мук эмас,  
Мукр) Никейда яшарди, у ҳурматли киши  
бўлса-да, фақир эди. Мук сингари у ҳам  
доим уйида ўтирар, кўчага жуда кам  
чиқарди. Пакана бўлгани учун у Мукни  
ёқтирмас, шу важдан унга ҳеч нарса  
ўргатмасди.

— Кап-катта бўлиб қолибсану хануз  
бекорчиликдан бўшамайсан,— дерди у  
Миттига.

Қушлардан бир кун Мукнинг отаси кўча-  
да йиқилиб тушибди ва қаттиқ жароҳатла-  
нибди. Шу-шу оғриб қолиб, кўн ўтмай  
оламдан кўз юмибди. Митти Мук сарик  
чақасиз, ёлғиз қолибди. Отасининг қарин-  
дошлари Мукни уйдан ҳайдашибди ва:

— Оламни кезиб чик, балки бахтингни  
топарсан,— дейишибди.

Мук отасидан қолган эски чолвор билан  
камзулни сўраб олибди. Унинг отаси ба-



ланд бўйли, гавдали киши эди, лекин Миттивой кўп ўйлаб ўтирмай камзул билан нишонни кесиб, қалта қилиб қийибди. Қийган қийими кенглигидан осилиб қолибди, пачора у бошка иложини тополмабди. У салла ўрнига бошига сочиқ ўраб, белбогига ханжар қистирибди, қўлига таёк тутиб боши оққан томонга равона бўлибди.

Кўп ўтмай шаҳардан чиқибди-да, ронпароса икки кун йўл юрибди. Юра-юра жуда чарчаб, қорни очиқиб қолибди. Йўлда ейишга озиғи бўлмаганидан, далада ўсган кукатларнинг иллизини еб тирикчилик қилибди. Кечалари очик далада тунабди.

Учинчи кун тонгда туриб тепаликдан қараса олисда байроқлар билан безатилган каттакон, чиройли шаҳар кўринибди. Митти Мук бор кучини тўплаб шаҳар томон йўл олибди.

«Бахтимни шу ердан топсам ажабмас»,— дебди ўзига.

Шаҳар яқинга ўхшаб кўринган бўлса ҳам Мук анча-мунча йўл юрибди. Тушлик пайти у шаҳар дарвозасига етибди. Шаҳарда чиройли иморатлар кўп, кенг кўчалар одамлар билан гавжум эмиш. Митти Мукнинг қорни роса очган экан, лекин ҳеч ким уни эшигига яқин йўлатмабди, дам олгани уйига таклиф этмабди. Шўрлик Миттивой оёғини зўрға судраб босармиш. Чиройли, баланд бир уйнинг ёнидан ўтиб кетаётганида тўсатдан уйнинг деразаси очилибди-да, қандайдир бир кампир деразадан бошини чиқариб бақирди:

Келақолинг, келинлар  
Тайёр булди таомлар!  
Дастурхонни безатдик,  
Тўк юринг деб тузатдик.  
Хамсоялар, келинлар—  
Тайёр булди таомлар!

— Шу захоти уйнинг эшиги очилиб, қатор-қатор ит-мушуклар уйга кира бошлабди. Мук ҳам ўйлаб туриб, ундан олдинроқ уйга киришга шайланаётган иккита мушук боласига эргашибди. Чунки мушук болалари ошхонани тўғри топиб боришадида.

Мук зинадан юқори кўтарилибди ва деразадан бақирган кампирни кўрибди.

— Сенга нима керак? — жаҳл билан сўрабди кампир.

— Овқатлангани чақирдингиз-ку, — дебди Мук, — мен жуда очман. Шунинг учун келдим.

Кампир қах-қахлаб кулиб, шундай дебди:

— Сен қаёқдан келиб қолдинг, йигит? Мен фақат севимли мушукчаларимга таом тайёрлайман, буни шаҳарда ҳамма билади. Зерикишиб қолмаслик учун қўшнилариным таклиф қиламан.

— Ўшалар қатори меням тўйдирақолинг, — илтимос қилибди Мук.

Отаси вафотидан кейин ахволи оғирлашиб қолганини сўзлаб берганидан кейин кампирнинг Митти Мукка раҳми келибди. У миттини тўйғунича овқатлантирибди ва дам олиб бўлганидан кейин:

— Сенга бир гапим бор, айтайми? Ме-



никида қолиб хизмат қилақол, ишим енгил турмушинг яхши бўлади,— дебди.

Мушуклар таоми Мукка манзур бўлиб, кампирнинг хизматида қолишга розилик билдирибди. Ахавзи хонимнинг (кампирни шундай аташаркан) иккита эркак, тўртта урғочи мушуги бор экан. Мук ҳар куни уларнинг юнгини тараб, қимматбаҳо мойлар сураркан. Овқат пайтида уларни овқатлантирар, кечқурун пар тўшакларга ётқизиб ухлатар, устларига бахмал кўрпа ёпиб қўяркан.

Мушуклардан ташқари уйда яна тўртта кучук ҳам яшаркан. Митти уларга ҳам қараркан, аммо мушуклардан кўра буларнинг парвариши осон экан. Ахавзи хоним мушукларни туққан болаларидек севаркан.

Митти Мук кампирникида ит билан мушукдан булак ҳеч кимни кўрмаганидан ҳудди отасининг уйидагидай зерикаркан.

Митти Мук аввалига бу ерда яхши яшабди. Иш йўқ ҳисобида бўлсаям, уни яхши боқишаркан, кампир эса ундан хурсанд экан. Кейинчалик мушуклар талтайиб кетишибди. Кампир эшикдан чикди дегунча, улар ҳудди қутургандек хоналарда бири-бирини қувлашиб, ҳаммаёқни ағдар-тўнтар қилиб, қимматбаҳо чинниларни синдиришаркан. Лекин зинада Ахавзи хонимнинг оёқ товуши эшитилиши билан ирғиб пар тўшакка чиқиб, думларини тағларига олиб, ҳеч нарса бўлмагандай узала тушиб ётиб олишаркан. Уйларнинг алғов-далғов бўлиб ётганини кўрган кампир Митти Мукни

уришишга тушаркан. У ўзини ҳар қанча оклашга уринмасин, кампиршо хизматкоридан кўра мушукларига кўпроқ ишонар экан. Мушукларнинг бегуноҳлиги шундоккина кўриниб тураркан-да.

Бечора Мук жуда-жуда хафа бўлиб, ахийри кампирнинг уйидан кетишга аҳд қилибди. Ахавзи хоним ҳақ тўлашга ваъда қилгану, лекин сўзининг устидан чиқмаган экан.

«Аввал маошимни олай, кейин кетаман,—деб ўйлабди Митти Мук.—Кампир пулини қаерга яширишини билганимда-ку, керагини ўзим олақолардим-а...»

Кампирнинг ҳовлида эшиги доимо ёпик турадиган кичкинагина ҳужраси бор экан. Бу ҳужрага нима яширилгани уни жуда кизиқтираркан. «Балки кампирнинг пули шу ердадир», деган фикр Мукка тинчлик бермай, ичкарига киргиси келибди.

Кунлардан бир куни Ахавзи уйидан чиқиб кетганида кучукларининг бири югуриб Мукнинг ёнига келибди (кампир бу кучукни жуда ёмон кўраркан, Мук эса, кўпинча уни силаб, эркалатаркан). Лайча оҳистагина аккиллаб Миттини судрабди. У Миттини кампирнинг ётоғига олиб келиб, бир пастак эшикнинг ёнида тўхтабди.

Лайча эшикни итариб қандайдир ҳужрага кирибди; Мук ҳам унинг изидан кирибди ва ҳайратдан қотиб қолибди: Бу — Мук қачонлардан бери кирмоқчи бўлиб юрган ўша ҳужра экан-да.

Ҳужра қадимий либослар ва ғаройиб

идиш-товоқлар билан тўлдирилганмиш. Мукка зарҳал гулли биллур кўзача кўпроқ ёкибди. Мук уни кўлига олиб, томоша қила бошлаганида кўзачанинг қопқоғи (Мук кўзачанинг қопқоғи борлигини ҳатто пайкамабдиям) ерга тушиб, чил-чил бўлибди.

Шўрлик Мук жудаям кўрқиб кетибди. Энди бош қотириб ўтиришга вақт йўқ, аксинча қочиб қолиш керак экан: кампир келиб қолгудай бўлса борми, уни ўласи қилиб дўппослаши тайин.

Мук сўнги бор хонани кўздан кечиранган тўсатдан бурчакда турган кавушни кўриб қолибди. Кавуш сўлакмондай катта, беўхшов аммо ўзининг оёғидаги чоригига қараганда янгироқ эмиш. Кавушнинг катталиги Мукка жуда ёкибди, негаки, уни кийиб олса, ёш бола эмаслиги шундай аён бўларкан.

У дарров чоригини ечибди-да, кавушни кийиб олибди. Кавушнинг ёнида шер қалласи тасвирланган ингичкагина ҳасса ҳам тураркан.

«Ҳасса бу ерда барибир турибди,— шуниям олай-чи,»— деб ўйлабди Мук.

У ҳассани ҳам олибди-да, ўз хонасига югуриб кетибди. Бир дақиқа ичида камзули билан салласини кийиб, ханжарини тақибдию, кампир келиб қолмасидан қочиб улгуриш учун зинадан югуриб тушиб кетибди.

Уйдан чиққач, шаҳар ташқарисидаги ялангликка етгунича югуриб бораверибди. Ялангликка етганида Митти бир оз дам олмоқчи бўлибди. У тўсатдан ўзини тўхта-

толмаслигини ҳис қилибди: У қанча урин-  
масин, оёғи ўз-ўзидан югуриб, олға тортиб  
кетаверибди. У йиқилмоқчи ҳам бўлибди,  
бурилмоқчи ҳам бўлибди,— лекин фойда-  
сиз эмиш. Ниҳоят, у гап нимадалигини  
англабди. Уни илгарига итариб, тўхташга  
қўймаётган нарса қувуш эди.

Мук бутунлай ҳолдан тойиб, нима қила-  
рини билмай қолибди. Жон ҳолатда қуло-  
чини кенг ёйиб, фойтончилардай:

— Др-Др! Др! Тўхта! — деб кичкириб-  
ди.

Кавуш тўсатдан тўхтабди ва бечора  
Митти гурсиллаб ерга йиқилибди.

У каттиқ чарчаганидан ўша заҳоти  
ухлаб қолибди. Шу ётишда ғаройиб туш  
кўрибди. Яширин хужрага бошлаб борган  
кучукча тушида унинг ёнига келибди-да,  
шундай дебди:

«Азизим Мук, оёғингдаги кавушингнинг  
қанчалар яхшилигини сен ҳали билмайсан.  
Пошнангда туриб уч марта айлансанг  
борми, сени истаган манзилингга етказди.  
Ҳасса бўлса хазиналарни излаб топишинг-  
га ёрдам беради. Олтин кўмилган ерга  
борганида уч бор, кумуш кўмилган бўлса  
икки марта ерга урилади».

Мук уйғонган заҳотиёк лайчанинг гап-  
лари ростми, ёлғонми, эканлигини синаб  
кўрмоқчи бўлибди. У чап оёғини кўтариб,  
ўнг пошнасида гир айланган экан, ерга  
юз тубан йиқилибди. Ўрнидан туриб қайта-  
қайта айланиб кўриб ва ниҳоят бир пошна-  
да айланишни ҳам ўрганиб олибди. Шун-

дан сўнг белини маҳкам боғлаб, уч марта ўмбалоқ ошибди-да, кавушларга:

— Мени қўшни шаҳарга элтиб қўйинглар,— дебди.

Кавушлар уни бирдан осмон-фалакка кўтариб, шамол тезлигида булутдан булутга учуриб кетибдилар. Митти Мук ўзига келишга улгурмай, шаҳар бозорида пайдо бўлибди.

У қандайдир дўконнинг девори тагида ўтириб, нима қилиб бўлсаям бир оз пул топиш ҳақида ўйлай бошлабди. Унинг сеҳрли таёқчаси ҳам бор эди, лекин олтин ва кумушларни бориб топиб келиш учун уларнинг қаерга яширилганини қандай билса бўлади? Ҳеч бўлмас пулга томоша кўрсатиши ҳам мумкин эдику-я, лекин бунинг учун бўйни дов бермасди-да.

Мук бирданига тез югура олишини эслабди.

«Балким кавушим менга даромад келтирар»,— деб ўйлабди у.

— Қиролга чопар бўлиб ёллансам-чи?

У дўккондордан саройга бориш йўлини сўрабди ва беш дақиқа ўтар ўтмас, сарой дарвозаси ёнига етиб борибди. Дарвозабон ундан: «Сенга нима керак!» деб сўрабди ва Миттининг қирол хизматига ёлланмоқчилигини билгач, уни қулбон ёнига бошлаб борибди. Мук қулбонга эгилиб таъзим қилибди-да:

— Жанобларин, мен ҳар қандай чопардан ҳам тез югураман. Мени қиролга чопар қилиб ишга олинг,— дебди.



Энсаси қотган қулбон Миттига қарабди-да, қаҳ-қаҳлаб қулиб, шундай дебди:

— Чўпдек қилтиллаган оёғинг билан қиролга чопар бўлмоқчимисан! Яхшиликча жунаб, қол! Ҳар қанақа майиб-майриқнинг майнавозчилигини эшитиш учун қулбон қилиб қўйилмаганман.

— Бошлиқ жаноблари,— дебди Митти Мук,— сизни мазах қилаётганим йўқ. Келинг, гаров ўйнаймиз: энг тез чопарингиздан ҳам ўзиб кетаман.

Қулбон аввалгидан баттар ха-холаб қулибди. Миттивой жуда қизиқчи экан-ку, деб уни ҳайдамабди.

— Хай, бўпти,— сени бир синаб кўраман. Кейин қиролга хабар бераман. Ошхонага кириб, мусобақага ҳозирлик кўр. Сени едиришади-ичиришади.

Кейин қулбон қирол ҳузурига борибди-да, ғаройиб Митти хақида унга сўзлаб берибди. Қирол бир кўнгил ёзмоқчи бўлибди. У Митти Мукка жавоб бериб юбормагани учун қулбонни мактаб қўйибди ва мулозимларим келиб томоша қилсин, деб кечкурун катта яйловда мусобақа ўтказишни буюрибди.

Кечкурун қанақа қизиқарли томоша бўлишини шахзодаю маликалар хизматкорларига сўзлаб беришибди ва улар буни бутун сарой аҳлига овоза қилишибди. Кечкурун сарой аҳли Миттининг қандай чолишини кўргани ўтлоққа етиб борибди.

Қирол билан малика тахтга чиқиб ўтиргач, Митти Мук кўкаламзорнинг ўртасига

келиб, уларга таъзим бажо этибди. Хар тарафдан каттиқ қаҳ-қаҳа эшитилибди. Кенг чолвор ва сўлоқмондай кавуш кийган Митти жудаям кулгили экан-да. Лекин Митти Мук сира хижолат бўлмабди. У хасасига таянганича икки кўлини белига қўйиб бамайлихотир чопарларни кутибди.

Мана, ахйири чопарлар ҳам кўринишибди. Кулбон қирол чопарлари ичидан энг тезкорини тахлабди. Ахир Митти Мукнинг узи шуни хоҳлаганди-да.

Қиролнинг тунгич кизи малика Амарза: Бир, икки, уч! дея румолчасини силки-тибди.

Иккала чопар ўрниларидан санчиб туриб, ўкдек гизиллаб югура кетишибди. Аввалига Митти чопардан бироз орқада қолибди, лекин кун утмай унга етиб олибди ва ўзиб кетибди. У аллақачон маррага етиб бориб салласининг бир учи билан елпиниб турганида, қиролнинг чопари ҳали анча йирокда экан. Ниҳоят у ҳам маррага етиб келиб, ўликдай ерга чўзилибди. Қирол билан малика қарсак чалиб юборишибди, сарой аҳли бўлса бир овоздан:

— Ғолибга шон-шарафлар бўлсин! Яшасин Митти Мук! — деб олқишлашибди.

Митти Мукни қирол ёнига бошлаб боришибди. Митти унга таъзим қилиб, дебди:

— Эй, олампапох қирол! Ҳозир мен махоратимнинг бир қисминигина намойиш қилдим! Мени хизматингга ол.

— Жуда яхши, — сени шахсий чопарим қилиб тайинлайман, — дебди қирол. — Сен

доимо ёнимда бўласан ва маҳсуе топириклариминггина бажарасан.

Ахийри бахтимни топдим, деб Митти Мук жуда хурсанд бўлибди. Мана, энди у мухтожликни кўрмай бемалол яшаши мумкин.

Қирол Мукни жуда қадрлар, ҳар қадамда унга илтифот кўрсатар экан. У Миттига бошқа ҳеч ким эплай олмайдиган энг муҳим вазифаларни топираар экан. Лекин бу ҳол қиролнинг қолган мулозимларига ёкмабди. Улар порози бўлишибди. Ҳама мулозимларидан кура қиролга югуриндан бўлак ҳеч нарсани билмайдиган қандайдир бир Миттивойнинг яқинлиги уларга маълум келар экан. Улар ҳадеганда қиролга Миттининг гийбатини қилишар, лекин қирол бу гапларга эътибор бермас экан. Борган сари қиролнинг Мукка ишончи ортиб, тез орада уни бош чопар қилиб тайинлабди.

Сарой ахлининг унга ҳасад қилиши Митти Мукни ранжигарди.

Уларга яхши кўриниш учун бирон нарсга ўйлаб топишга уринибди. Ниҳоят, унутмиб қуйган ҳасасини эслабди.

«Агарда хазина топганимда эди, мана бу керилган жаноблар мени ёмон кўрмасиди. Ҳозирги қиролнинг отаси шахарга ёв бостириб келганида бутун давлатини боғига кўмган, дейишади. У хазинанинг қасерга кўмилганини айтиб улгурмасидан оламдан кўз юмган экан».

Митти Мук фақат шу тўғрида ўйлайдиган бўлибди. У куни бўйи боғни айланиб, кекса қиролнинг хазинасини излабди.

Кунларнинг бирида боғнинг нариги бошида айланиб юрса, қўлидаги ҳассаси бирданига ҳаракатга келибди-да, уч марта ерга урилибди. Митти Мук ҳаяжонланганидан қалқиб кетибди. У боғбоннинг ёнига югуриб бориб, катта белкурак сўрабди ва саройга қайтиб, қоронғи тушишини кута бошлабди. Кеч бўлиши билан боққа йўл олибди, ҳассаси теккан жойни ковлай бошлабди. Миттининг нозик қўлларига белкурак оғирлик қилибди ва у бир соат деганда атиги ярим газ ерни зўрға ковлабди.

Митти Мук роса овора бўлибди, ахийри белкураги қандайдир каттик нарсага урилибди. Митти энгашиб, чуқур тубини пайпаслаб қандайдир темир қопқоқ борлигини аниқлабди. Қопқоқни кўтарибдию ҳангманг бўлиб қолибди. Ойдинда олтинлар яраклаб кетибди. Чуқурда ичи лиммо-лим тилла тангаларга тула каттакон хум бор экан.

Митти Мук хумни чуқурдан олмоқчи бўлибди-ю, лекин кучи етмай чиқаролмабди: Ноилож чўнтақларини, белбоғларини тиллага тўлдириб, секин саройга қайтибди. У тиллаларни тўшаги тагига яширибди-да, хурсанд ҳолда ухлагани ётибди.

Эртаси тонгда уйғонибди-да: «Энди ҳамма нарса ўзгаради, рақибларим мени яхши кўришади», — деб уйлабди!

У тиллаларни дуч келганга улашаверибди, сарой ахли эса унга аввалгидан беш баттар ҳасад қила бошлабди. Бош ошпаз Ахули:

— Қаранглар, Мук қалбаки пул ясабди,— деб гап тарқатибди.

Қулбон Ахмад эса:

— У қиролдан тилаб олган,— дебди.

Кўпдан буён қирол хазинасидан тилларни ташиб юрган, Миттининг энг ашаддий душмани хазинабон Архаз эса, бутун сарой аҳлига қараб:

— Митти қирол хазинасидан олтин ўғирлади! — деб жар солибди.

Мук пулларни қаердан олганлигини аниқлаш учун, унинг рақиблари ўзаро режа тузиб, уни амалга оширишибди.

Қиролнинг Корхуз деган суюкли хизматкори бўлиб, у доим қиролга дастурхон тузар ва қадахига май қуйиб берар экан. Ўша Корхуз кунларнинг бирида қиролнинг олдига ғамгин ва маъюс холда келибди. Қирол Корхузнинг юзидаги ўзгаришни дарров сезиб, сўрабди:

— Сенга нима бўлди, Корхуз? Нимага бунча ғамгинсан?

— Подшоҳим мени ўз марҳаматларидан маҳрум қилдилар, шу сабабли ғамгинман,— жавоб берибди Корхуз!

— Нималар деяпсан, азизим Корхуз! — дебди қирол: — Қачондан бери мен сени ўз марҳаматимдан маҳрум қилибман?

— Хизматингизга бош чопар келгандан бери, жаноби олийлари,— дебди Корхуз.— Сиз уни олтинга кўмдингиз, содиқ хизматкорларингизга эса ҳеч нарса бермаяпсиз.

Шундай қилиб у қиролга, Митти Мук қаердандир жуда кўп олтин олаётганини ва

сарой ахлига улашиб юрганини айтиб берибди. Қирол жуда ҳайрон бўлибди ва ҳузурига хазиначиси Архаз билан қулбон Аҳмадни чорлабди. Улар Корхуз ҳақиқатни гапираётганини тасдиқлашибди. Шунда қирол изқуварларига Миттини кузатиб, олтинларни қаердан олаётганини билишни буюрибди.

Аксига олиб, Митти Мукнинг олтини шу куни тугабди ва у хазинага бориб келмоқчи бўлибди. У белкуракни олиб боққа равона бўлибди. Изқуварлар, Корхуз билан Архаз ҳам унинг кетидан тушибди. Митти Мук камзулини олтинга тўлдириб энди орқага қайтаман деб турганида уни тутиб олиб, қўлларини боғлаб, қиролнинг ҳузурига олиб келишибди.

Қирол эса тунда уйғотишларини жуда ёмон кўрар экан. У чопарини жаҳл билан кутиб олибди ва изқуварларидан:

— Бу шармандани қаерда тутиб олдинглар? — деб сўрабди.

— Биз уни шу олтинларни ерга кўмаётганида тутиб олдик қирол хазратлари, — дебди Архаз.

— Булар рост айтаяптими? — деб сўрабди Миттидан қирол.

— Шунча олтинни қаердан олдинг?

— Марҳаматли қирол, менинг ҳеч бир айбим йўқ, — соддадиллик билан жавоб берибди Митти. — Одамларингиз мени тутиб, қўлларимни боғлашганда, мен олтинларни кўмаётганим йўқ эди, аксинча ердан казиб олаётган эдим.



Қирол Митти Мук ёлғон гапираяпти деб, жуда ғазабланибди.

— Бадбахт! — деб қичқирибди у. — Аввалига давлатимни ўғирладинг, энди ёлғон гапириб мени лақиллатмоқчимисан! Хазинабон, айт-чи, хазинамда етишмаган тиллалар шунчамиди?

— Марҳаматли қирол, хазинангиздан ўғирланган тиллалар бундан ҳам кўпроқ, — деб жавоб берибди хазинабон. — Онт ичиб айтаманки, бу олтинлар сизнинг хазинангиздан ўғирланган.

— Миттини занжирбандлаб, минорага қаманглар! — деб қичқирибди қирол. — Хазинабон, сен эса, бокқа киргин-да, чуқурдаги ҳамма олтинларни олиб хазинага қайтаргин.

Хазинабон қиролнинг буйруғини бажо келтириб, хумдаги ярақлаган тангаларни санаб, ҳалталарга жойлаб, хазинага олиб кетибди.

Ахийри хум бўшабди. Хазинабон сўнгги бор хумнинг ичига қараганида бир қоғозни кўриб қолибди, бу қоғозда шундай ёзув бор экан:

Ракиблар юртимга бостириб келдилар. Хазинамнинг бир қисмини шу ерга яширдим, буни топиб олган кимса билсинким, олтинларни шу заҳоти ўғлимга олиб бориб бермас экан, у умрбод қирол марҳаматидан маҳрум бўлғай.

*Қирол Саъдий.*



Айёр хазинабон қоғозни йиртиб ташлабди-да, бу ҳақда ҳеч кимга оғиз очмасликка аҳд қилибди.

Митти Мук эса саройнинг баланд минорасида ўтириб, қамокдан қандай қутулиш йўлини ўйларкан. У қирол хазинасини ўғирлаганлиги учун қатл қилишларини билар, лекин шунга қарамасдан сеҳрли ҳассаси ҳақида қиролга сўзлаб беришни асло истамасди: негаки, қирол ўша заҳотиёқ уни олиб қўяр, унинг устига қавушини ҳам тортиб олиши мумкин экан. Қавуши ҳалиям Миттининг оёғида бўлса-да, унга нафи тегмас, чунки Митти Мук қалта қишан билан деворга занжирбандлангани учун пошнасида айлана олмас экан.

Тонгда минорага жаллод келиб Миттининг қатлга тайёрланиши лозимлигини айтибди. Митти Мук энди ўйлаб ўтиришга вақт қолмаганлигини тушуниб, қиролга сирини очишга қарор қилибди. Негаки, унга қалласидан жудо бўлгандан кўра сеҳрли ҳассасидан ва югурик қавушидан айрилиб яшаш афзал кўринибди.

Митти юзма-юз гаплашишни қиролдан илтимос қилиб, ҳамма сир-асрорини унга сўзлаб берибди. Қирол аввалига унга ишонмабди, Митти яна ёлғон гапиряпти, деб ўйлабди.

— Ҳазрати олийлари,— дебди Митти Мук,— гуноҳимдан ўтишга ваъда беринг, рост гапирётганимни сизга исботлай.

Қирол рози бўлибди. У Миттининг гаплари ростми ёки ёлғонми, аниқ билишга

қарор қилибди. Ҳеч кимга билдирмай бир печа тиллани боғига кўмдирибди ва Мукка уларни топишни буюрибди. Митти узок изламабди. Тиллалар яширилган жойга етганда хассача ерга уч марта урилибди. Қирол ўзининг алданганлигини англабди ва Мукнинг ўрнига хазинабонни қатл қилишни буюрибди. Миттини эса ёнига чақириб шундай дебди:

— Сени ўлдирмасликка ваъда бердим, мен берган сўзимнинг устидан чиқаман. Лекин, сен менга ҳамма сиригини айтмаганга ўхшайсан. Токи тез чопишинг сирини айтмагунингча минорада қоласан.

Бечора Миттининг уша қоронғу ва совук минорага асло қайтгиси келмабди. У қиролга ажойиб кавуши ҳақида сўзлаб берибди, аммо энг асосий нарсани — кавушни қандай тўхтатиш кераклигини айтмабди. Кавушни қиролнинг ўзи синаб кўрмоқчи бўлибди. У кавушни кийиб олиб боққа чиқибди да, зир-зир югура кетибди. Бир оздан сўнг у тўхтамоқчи бўлибди, лекин қаёқда. Буталар ва дарахтларни кучоқлаб олишга урнар — кавуш эса уни ҳамон илгари суриб кетаверибди. Митти эса кулиб томоша қилиб турибди. У бешафқат қиролдан озгина булсаям ўчини олганига хурсанд экан. Оқибатда қиролнинг суроби тортилиб ерга йнқилиб тушибди. Бир оз ўзига келгач Миттини уриша кетибди:

— Ўз қиролингга ҳали шундоқ муносабатда бўласанми! Мен сенга ҳаёт ва озодлик ваъда қилдим, лекин ўн икки соат

ичида подшоҳлигимдан даф бўлмасанг, шафқат кутма мендан. Кавуш билан хасанг эса менда қолади.

Шўрлик Миттининг бўйсинишдан, саройни тарк этишдан бошқа яложи қолмабди. У гамгин бир кайфиятда шаҳар бўйлаб судралиб кетаркан яна ўша-ўша аввалгидек қашшоқ ва бахтсиз бўлганидан тақдирни лаънатлабди.

Бахтига бу киролининг подшоҳлиги унчалик катта эмас экан, саккиз соатда чегарага етибди. Энди у хатардан халос бўлдим дебди-да, ўтириб дам олиш мақсадида катта йўлдан бурилиб, ўрмонга кирибди. У ерда дарахт шохлари куюк соя солган ирмоқ бўйидан яхши жой топиб, кўкламзорга ёнбошлабди.

Митти Мук шунақаям чарчаган эканки, бошини қўйиши билан донг ухлаб қолибди. Шундоққина боши устида хил-хил пишиб ётган меваларга кўзи тушибди. Митти дарахтга чиқибдию мевалардан узиб, ҳузур қилиб ея бошлабди. Кейин унинг сув ичкиси келибди.

У ирмоқка яқин бориб, сув ичмокчи бўлиб энгашганида даҳшатдан бадани музлаб кетибди: кулоқлари шалпайган, узун бурунли баҳайбат эшаксимон калласи унга сувдан қараб турганмиш.

Митти Мук даҳшат ичида бошини чапгаллабди. Дараҳақиқат кулоқлари эшакникидек узун эмиш.

— Ажаб бўпти,— деб кичкирибди бечора Мук.— Бахтим шундоққина ўз қўлимда

эди, мен ахмоқ эса эшшак бўлиб уни ўзим қўлдан бой бериб ўтирибман.

У қулоғини ушлаб-ушлаб қўйиб яна анчагача дарахт тагида ўралашиб юрибди, ахийри қорни очиб қолибди. Кейин яна бояги мевалардан олиб ебди. Чунки шундан бўлак егулик ҳеч вако йўқ экан-да.

Мева еб қорнини тўйдириб олгач, Митти Мук одатига кўра яна қулоғини ушлабди ва севинганидан қичқириб юборибди: шалпанг қулоқ ўрнида яна ўзининг асл қулоқлари пайдо бўлиб қолибди. У шу заҳоти ирмоқ ёнига югуриб бориб, сувдаги аксига қарабди. Бурни ҳам аввалгидай эмиш.

«Бу қандоқ бўлди?» — деб ўйлабди Митти. У мевасини териб еган биринчи дарахт унга шалпанг қулоқ инъом этган бўлса, иккинчи дарахт меваси уни тузатибди.

Митти Мук ўзига бахт яна кулиб бокқанини ҳис қилибди. У иккала дарахтдан кўтарганича мева узиб олибди-да, ўша бешафқат қиролнинг шаҳрига қайтибди. Баҳор фасли бўлганидан шаҳарда мевалар камёб экан.

Митти Мук шаҳарга қайтиб бориш учун кийимини ўзгартириб, ҳеч ким танимайдиган бўлиб олибди. Биринчи дарахтнинг меваси билан саватни тўлдириб, тўғри қирол саройи томон кетибди. Тонг пайти бўлгани учун сарой ёнида бозорчи хотинхалаж озик-овқат маҳсулотларини ёйиб қатор ўтирган эканлар. Мук ҳам улар қаторига келиб қўшилибди. Кўп ўтмай саройдан бош ошпаз чиқиб келибди ва бозорчи хотинларнинг атрофидан ўтиб мах-

сулотларини бир-бир кўздан кечира бошлабди. Митти Мук ёнига яқинлашганида меваларни кўриб жудаям севиниб кетибди.

— Оҳ-оҳ-оҳ,— дебди у,— мана буни қиролга муносиб мева деса бўлади! — Савати билан неча пул дейсан?

Митти Мук қиммат сўрамабди ва бош ошпаз меваларни савати билан сотиб олиб саройга жўнабди. У меваларни лаганга териб бўлиши билан қирол нонушта талаб қилибди. Қирол ошпазни мактай-мактай меваларни танавул қила бошлабди! Ошпаз бўлса мулойимгина кулимсираб:

— Шошманг, қирол ҳазратлари, хали бундан ҳам мазалиси бор,— дебди.

Бош ошпаз бугун қандоқ лаззатли таом тайёрлаганини дастурхон атрофида ўтирганларнинг ҳаммаси — сарой аҳлидан тортиб, шаҳзодаю маликаларгача ўйлаб топишга уринибдилар. Айниқса хил-хил пишган мевалар терилган биллур лаган олиб қирилганда ҳамма бараварига: «Оҳ!» — деб қарсак чалиб юборибди.

Меваларни қирол ўз кўли билан тақсимлашга тушибди. Шаҳзода ва маликаларга иккитадан, мулозимларга биттадан мева тегибди, қолганларини қирол ўзига олиб қўйибди — чунки у ширин меваларни жуда яхши кўрар экан-да! Қирол меваларни ликопчага солибди-да, ейишга тушибди.

— Дада, дада, қулоғингизга нима бўлди деб, бакириб юборибди малика Амарза бирдан.

Қирол қулоғини ушлаб кўрибди ва

дахшатга тушиб қичқириб юборибди. Унинг қулоғи эшшакникидай узун бўлиб қолибди-да. Бирдан бурни ҳам чўзила бошлабди ва оғзигача осилиб тушибди. Шаҳзода, малика ва мулозимлар ҳам киролдан қолишмасмиш ҳаммасининг ҳам бошида худди шунақа «безак» пайдо бўлибди.

— Табибни чақиринглар, тезрок! — деб бақирибди кирол.

Шу заҳоти табибни чақириб келишга одам юборибдилар. Бир гала табиблар етиб келибди. Улар киролга ҳар хил доридармонлар буюрса ҳам ҳеч бири малҳам бўлмабди. Шаҳзодаларнинг бирини ҳатто операция қилишиб, қулоғини кесишибди, лекин кулоқ яна ўсиб чиқаверибди.

Митти мук орадан икки кун ўтгач, ҳаракат қиладиган вақт етди, деган қарорга келибди. Меваларни сотиб орттирган пулига катта қора ёмғирпўш билан кулоҳ харид қилибди. Таниб қолмасликлари учун иягига оқ сокол ёпиштириб олибди. Иккинчи дарахтнинг меваларидан саватга тўлдириб саройга борибди ва киролни даволаши мумкинлигини айтибди. Аввалига унинг сўзига ҳеч ким ишонибди. Шунда Мук шаҳзодаларнинг бирига ўзининг шифо усулини қўллаб кўришни таклиф этибди. Шаҳзода мевадан бир нечасини еган экан, узун бурни билан шалпанг қулоғи ғойиб бўлибди. Шунда сарой аҳли бараварига ғаройиб табибни ўраб олишибди. Кирол ҳаммадан тез чошиб Миттининг қўлидан тутиб, хазинасига бошлаб бориб ялинибди:



— Мана, каршингда бутун давлатим турибди. Истаган нарсангни ол, фақат мени мана шу мараз дарддан фориг килсанг бўлди,— деб илтижо қилибди.

Шунда Митти Мук бир бурчакда ўзининг сеҳрли ҳассаси ва тезюрар кавуши турганини кўрибди. У қиролнинг хазинасини кўздан кечираётгандай уёқдан буёққа юриб аста кавушга яқинлашибди ва дарҳол кавушини оёғига илиб ҳассасини қўлига олиб, ясама соқолини юлиб ташлабди. Бош чопарининг таниш башарасини кўрган қирол хайрон бўлиб йиқилиб тушибди.

— Ёвуз қирол! — деб бакирибди Митти Мук.— Садоқатли хизматларим учун менга кўрсатган кароматинг шуми? Бутун умрга бадбашара шалпангқулок бўлиб қол, Митти Мукни эслаб юр?

Сўнгра у пошнасида уч марта айлашиб, қирол бир оғиз сўз айтиб улгурмасдан, кўздан ғойиб бўлибди.

Ўшандан буён Митти Мук бизнинг шаҳримизда яшайди. Қурдингми, у кўп нарсаларни бошидан кечирган. Кўринишидан кулгили бўлсаям уни ҳурмат қилмоқ керак.

Дадам менга шундай воқеани сўзлаб берганлар. Мен эса буни бошқа болаларга ҳикоя қилганман ва шу-шу ҳеч қайсимиз Миттини мазах қилмайдигна бўлганмиз. Аксинча, биз унинг ҳурматини жойига қўйиб, гўё шаҳар ҳокими ёки бош ҳақамидек кўчада унга таъзим қилардик.



# БУРУНБОЙ ПАКАНА



Қачонлардир Германиянинг катта ша-  
харларидан бирида Фридрих деган этикдўз  
ва унинг Ханна деган хотини яшаган экан.  
Фридрих куни билан дераза ёнида чорик ва  
туфлиларга ямоқ солиб ўтираркан. Бирон  
кимса буюртма берса янги пойафзал ҳам  
тикиши мумкин экану, лекин бунинг учун  
аввал чарм сотиб олиши керак бўларкан.  
Хом ашёни ғамлаб қўйишга эса қўли  
калталик қилар экан.

Ханна бўлса, кичкинагина полизидан  
чиққан мева ва сабзавотларни бозорда  
сотаркан. У жуда саришта хотин бўлиб,  
молини бозорда чиройли қилиб ёйиб қўйга-  
ни учун ҳам атрофидан харидорлар аримас  
экан.

Ханна билан Фридрихнинг Яков деган  
ўгли бўлиб, унинг қадди-қомати келишган,  
чиройли, ўн икки ёшда бўлса-да, бўйи анча  
баланд экан. У бозорда одатда онасининг  
ёнида ўтирар, бирон пазанда Ханнадан  
кўтарасига сабзавот харид қилса, Яков уни  
уйига элтиб берар, жуда кам ҳоллардагина  
қуруқ қўл билан қайтаркан.

Ханнанинг харидорлари бу ўктамгина  
болани яхши кўришар, деярли ҳаммавақт  
унга нимадир — гулми, пирожноеми, танга-  
ми беришаркан.

Қунлардан бир куни Ханна ҳар доимги-  
дай бозорда савдо қилиб ўтирарди. Унинг  
олдида карам, картошка, сабзи ва ҳар хил  
кўкатлар тўлдирилган бир неча сават,  
шундоққина ёнгинасидаги кичкина сават-



чада эса эртаги нок, олма ва ўриклар ял-ял ёниб тураркан.

Яков онаси ёнига ўтириб олиб овози борича бакирибди:

— Кеп қолинг, сотаману кетаман!.. Қарсиллаган карам бор, керак бўлса ошкўк бор, олма ҳам бор, нок ҳам бор. Қани, келиб қолинглар! Арзонга сотамиз, арзонга!

Бирдан уларнинг ёнига увокқина, қисик кўзли, қариликдан афти буришган, бурни чўзилиб оғзига етай деб қолган, юпун кийинган кампир келибди. У қўлтиктаёқ таяниб олган, оқсоқланар, яна шу аҳволда ўзини тутиб юриши кишини ҳайратга соларкан. Худди ҳозир йиқилиб, узун бурни билан ерга қадалиб қоладигандай кўринаркан кишига.

Ханна кизиксиниб кампирни тамоша қилибди. Салкам ўн олти йил бозорда савдо қилиб, бунақа ғаройиб кампирни сира кўрмаган экан. Кампир унинг саватлари ёнига келиб тўхтаганида, беихтиёр юраги орқасига тортиб кетибди.

— Сабзавот сотадиган Ханна сизми-сиз? — сўрабди бошини тез-тез силкитиб, кампир чийилдоқ овоз билан.

— Ҳа,— дебди этикдўзнинг хотини.— Хизмат, бирон нима сотиб олмоқчимидингиз?

— Кампир янада энгашибди ва жигарранг узун бармоқларини саватга тикиб, Ханна чиройли қилиб тахлаган кўкатларни кавлаштира бошлабди. Бир боғламини

олибди-да, бурнига тутиб ҳамма томонини хидлаб чиқибди, кейин — иккинчи, учинчи боғламларини ҳам худди шундай қилибди.

Кампирнинг бу тимирскилашини кўрган Ханнанинг юраги қинидан чиқиб кетаёзбди. Лекин у ҳеч нима дея олмабди. Чунки харидор оладиган молини кўздан кечиршига ҳақли. Ундан ташқари Ханна борган сайин бу кампирдан кўрқа бошлабди.

Кампир ҳамма ошқўкларни кавлаштириб бўлиб, тўнғиллади:

— Ярамас мол!.. Ошқўклар ҳеч вакога ярамайди!.. Менга керакли ҳеч нима йўк! Эллик йил бурун ҳамма нарса топиларди!.. Моллар ярамайди! Ёмон ҳаммаси!

Бу сўзлардан кичкина Яковнинг жаҳли чиқибди.

— Ҳеч виждонсиз кампир! — деб кичқирди у. — Узун тумшугинг билан ҳамма ошқўкларни тутиб чиқдинг, қовжираган бармоқларинг билан сабзиларни кавлаштирдинг, энди уларни ҳеч ким олмайди. Яна молни ярамас деб ёмонлаганинг-чи! Герцогнинг ошпази ҳам сабзавотни биздан харид қилади-я?!

Кампир болага ўқрайиб қарабди ва хириллаган товуш билан дебди:

— Сенга менинг бурним, чиройли, узун бурним ёкмадими? Сеникиям худди шунақа узун, оғзингга етадиган бўлади.

Кампир бошка қарам тўлдирилган сават ёнига судралиб борибди, бир неча ажойиб қарамни қўлига олиб, шундай сиқибдики, қарам нолигандай ғижирлаб кетибди. Ке-

ини кампир уларни саватга иткитибди-да, яна:

— Ярамас мол! Емон карам! — дебди.

— Бошингни хадеб ликиллатаверма! — деб бакириб юборибди Яков.— Буйнинг карам думидай ингичка экан — тагин узилиб, калланг саватимизга тушиб қолмасин. Унда молимизни ким ҳам сотиб олади?

— Сенингча, менинг буйним ингичка эканми? — дебди кампир, боягидай истехзоли кулиб.— Сен эса умуман буйинсиз қоласан. Сенинг калланг нак елкангдан ўсиб чикқан бўлади-ю, ҳар холда, танангдан тушиб кетмайди.

— Болага бунака аҳмокона гапларни гапирманг! — дебди, жаҳли чикқан Ханна ниҳоят.— Бироп нима харид қилмоқчи бўлсангиз, марҳамат. Бунақада ҳамма харидорларимни тум-тарақай қилиб юборасиз.

Кампир Ханнага ҳам ўкрайиб қараб:

— Бўпти, бўпти, — деб тунғиллабди, — сен айтганча була қолсин. Мана шу олтига карамингни оламан. Лекин қўлтиктаёқда юрганим учун ҳеч нима кўтаролмайман. Харидларимни ўглинг уйимга элтиб берсин. Қурук қуймайман.

Яковнинг сираям боргиси келмабди, бу даҳшатли кампирдан қурқиб хатто йиғлаб ҳам юборибди. Лекин онаси «гап қайтарма», деб қаттиқ қойибди, чунки шундок кекса, заиф аёлга оғир юк кўтартиришни гўноҳ деб билар экан-да. Яков кўз ёшларини арта-арта карамларни саватга солиб, аста кампирга эргашибди.

Кампир имиллаб юргани учун хам, ша-  
харнинг нариги бошидаги кучага бир соат-  
ларда етиб борибдилар ва пастаккина ярим  
хароба уй ёнида тўхтабдилар.

Кампир чўнтагидан занг босган алла-  
кандай илмок олиб, эпчиллик билан эшик-  
даги туйнукка тикибди ва эшик бирдан  
шарақлаб очилиб кетибди. Яков ичкарига  
киргач, хайрон бўлиб, тўхтаб қолибди:  
уйнинг шифтлари билан деворлари мар-  
мардан, стол-стуллари қора ёғочдан ясал-  
ган бўлиб, тилла ва кимматбаҳо тошлар  
билан нақшинланган, хонанинг сатҳи эса  
ойнадан бўлиб, шунчалар силлиқ эканки,  
Яков бир неча бор сирпаниб кетиб йиқилиб  
хам тушибди.

Кампир кичкинагина кумуш хуштакни  
лабига теккизиб, шундай қаттиқ чалибди-  
ки — хуштак овози бутун уйни жарангла-  
тиб юборибди. Шу заҳоти зинадан денгиз  
чўчкалари — икки оёқлаб юрадиган фаро-  
йиб сув каламушлари югуришиб келишиб-  
ди. Улар оёқларига бошмоқ ўрнига ёнрок  
пўчок кийиб олишган бўлиб, худди одам-  
лардай кийинишган, ҳатто қалпоқчаларини  
хам нутишмаган эмиш.

— Кавушимни қаёққа қўйдинглар, яра-  
маслар! — деб бакирибди кампир ва кала-  
мушларни таёқ билан шунақа туширибди-  
ки, улар чийиллаб кетишибди. — Яна узок  
тураманми бу ерда қакқайиб?..

Каламушлар пилдираб зинадан юқорига  
чикиб, иккита чарм астарлик кокос ёнгоги  
пўчоғини келтиришибди-да, эпчиллик би-

дан кампирнинг оёғига кийгизиб кўйи-  
шибди.

Кампир дарров оксокланишдан тўхтаб-  
ди. У қўлидаги қўлтиқтаёқни бир чеккага  
улоктирибдию ойнаванд ерда тез-тез сирпа-  
ниб, кичкина Яковни ҳам судраб кетибди.  
Кампир кокос ёнғоғи кийгач шунақанги  
эпчил ҳаракат қиларканки, Яков унга  
базўр етиб юраркан.

Ахийри кампир идиш-товоқлар билан  
тўлган қайсидир хонада тўхтабди, худди  
саройдаги каби ерга гиламлар тўшалиб,  
диванларга гулчин болишлар ташланган бу  
хона — ошхонага ўхшар экан.

— Ўтир, ўғлим,— дебди мулойимгина  
кампир ва Яковни диванга ўтказиб, жойи-  
дан туриб кетолмаслиги учун столни диван-  
га суриб тақаб кўйибди. — Яхшилаб дам  
ол, жуда чарчадинг. Ахир, одам каллалари  
енгил юк эмас-ку.

— Нима деб алжираяпсиз! — кичқириб-  
ди Яков. — Чарчашга-ку ростдан ҳам чар-  
чадим, лекин мен одам каллаларини эмас,  
карамларни кўтариб келдим. Сиз уларни  
менинг онамдан сотиб олдингиз.

— Сен нотўғри гапиряпсан,— дебди  
кампир ва кулиб юборибди.

Кейин саватнинг бетини очиб, одам  
каллаларини сочидан тутамлаб тортиб чи-  
қарибди.

Яков кўркқанидан хушидан кетаёзибди.  
У шу заҳоти онаси ҳақида ўйлабди. Агарда  
бирон киши бу каллалардан дарак топса,



дарров устидан шикоят қиладилар, кейин унинг ҳолига вой.

— Гапга кирадиган бола бўлганинг учун сени мукофотлаш керак,— давом этди кампир.— Озгина сабр қил, сенга шундай шўрва пишириб берайки, ула-ўлгунингча эслаб юрасан.

Кампир яна хуштагини чалибди, ошхонага одамлардай кийинган, олдиларига фартук такқан, белбоғларига ош пичокларни қистирган денгиз каламушлари югуриб келишибди. Уларнинг кетидан икки оёқда чопқиллашиб олмахонлар пайдо бўлишибди. Улар кенг чолвор ва яшил бахмал қалпоқча кийишган экан. Булар ошпазнинг кўмакчилари бўлишса керак, деворларда тез-тез ўрмалашар, ўчоқ ёнига идиш-товок, товалар, тухумлар, мой, сабзи ва ун ташишарди. Ўчоқнинг ёнида эса кокос ёнғоғи пучоғидан ясалган пойафзалда гоҳ олға, гоҳ орқага сирпаниб, кампирнинг ўзи уймаланарди. Кампир Яков учун бирон яхши таом тайёрламокчи эди чоғи.

Ўчоқда олов лов-лов ёнар, товаларда нималардир жиз-биз пишар, хонага ёқимли ва лаззатли ис тараларди. Кампир гоҳ уёкка, гоҳ буёкка сирпанар овқатнинг пишган пишмаганини билиш учун шўрва қайнаётган қозонга баъзи-баъзида узун бурнини сукарди.

Ниҳоят қозонча шакиллаб қайнаб, ҳаммаёкни буғ тутиб, оловга оппоқ кўпик оқиб тушди.

Шунда кампир қозончани ўчоқдан олди,

ичидаги шўрвани кумуш товоққа қўйди ва товоқни Яковнинг олдига қўйди.

— Ол, е, ўғлим,— деди кампир.— Мана шу шўрвани ичиб олсанг, мендай чиройли бўлиб кетасан. Ундан ташқари ажойиб ошпаз бўласан — ахир, бирон хуварни билишинг керак-ку.

Кампирнинг нима деб пўнғиллаётганини Яков тушунмас, унга кулок ҳам солмас, факат шўрва ичиш билан банд эди. Онаси ҳам кўпинча хуштаъм таомлар тайёрлар, аммо бу шўрвадай мазали таомни у ҳеч қачон танаввул қилмаганди. Шўрвадан ошқўкларнинг хуштаъм иси келар, шўрва ҳам ширин, ҳам нордон ва жудаям қуюқ эди.

Яков шўрвани ичиб бўлганда каламушлар кичкинагина манқалда хушбўй алланимани тутатишди, ва бутун хонани ҳаворанг тутун қоплади. Тутун борган сайин қуюқлашиб, Яковни қуршаб олди, ахийри боланинг боши гарангсиди. Тезроқ онамнинг ёнига қайтишим керак, деб уриниши, ўрндан турмокчи бўлиб қилган ҳаракатлари бекор кетмокда эди. Базўр ўрндан туриб, энди бошини кўтарганда яна гупиллаб диванга йиқилар — уни батамом уйқу боса бошлаган эди. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, у хунук — бедаво кампирнинг ошхонасидаги уриндикда ростдан ҳам ухлаб қолди.

Яков гаройиб туш кўрди. Кампир унинг кийимларини ечиб олмахон терисига ўраб қўйганмиш. У олмахондай сакраш, ирғиш-

лашни ўрганиб бошқа олмахон ва каламушлар билан ошна бўлиб олганмиш. Хаммасиям жуда яхши эмиш.

Яков ҳам уларга ўхшаб кампирга хизмат қила бошлаганмиш. Аввалига у пойафзал тозаловчи бўлганмиш. У кампир оёғига кийиб юрадиган кокос ёнгоғи пўчоқларини мойлаб, лагга билан артиб ярақлатиб қўйиши керакмиш. Яков уйда туфли ва бошмоқларни тозалаб юргани учун ишини тезда эплаб кетибди.

Орадан бир йил чамаси ўтгач уни анча оғирроқ ишга кўчиришибди. У бошқа олмахонлар билан бирга офтоб нуридаги чангларни тутиб, жудаям майда элакдан ўтказаркан-да, кейин ундан кампир учун нон ёпишаркан. Кампирнинг оғзида биронта ҳам тиши қолмаганлигидан офтоб чангларидан ёпилган нонларни ер, бундан юмшок нон бўлмаслиги эса ҳаммага аён экан.

Яна бир йилдан сўнг Яковга кампирнинг ичиши учун сув топиш топширилибди. Унинг ховлисида кудук қазилган ёки ёмғир сувини тўплаш учун челақ қўйилган деб уйларсиз? Йўқ, кампир оддий сувни ичмасди. Кампир фақат шудринг ичарди. Яков олмахонлар билан биргаликда кокос ёнгоғи пўчоғига гулларнинг шудринггини йиғарди. У жуда ҳам кўп сув ичар, шунинг учун ҳам сув ташувчиларнинг иши бошидан ошиб-тошиб ётарди.

Яна бир йил ўтгач, Яковга хоналарда хизмат қилиш вазифаси юкланибди. Хонанинг сатҳи ойнаванд, лекин унга кухласанг

хам кўринаркан. Яков уларни шчётка билан тозалаб, оёғига латта боғлаб артаркан. Хуллас бу ҳам осон иш эмас экан.

Бешинчи йилга бориб Яков ошхонада ишлайдиган бўлибди. Бу фахрли иш саналаркан, бу ишга узоқ синовлардан кейингина йўлатишаркан. Яков ёрдамчи ошпазликдан иш бошлаб сомса устаси даражасига етгунча ҳамма вазифаларни адо этибди ва шунақанги уста ошпаз бўлиб кетибдики, ҳатто ўзи ҳам ҳайрон қоларкан. У ҳамма нарсани тез ва хуштаъм тайёрлашни ўрганибди. Пирожноенинг икки юз хилини, жаҳондаги ҳамма ошкўклар ва сабзавотлардан турли-туман шўрвалар ҳозирлашни биларкан.

Яков шу аҳволда етти йил яшабди. Мана, ниҳоят бир куни кампир шаҳарга чиқиш учун оёғига ёнғоқ пўчоғини кийиб, қўлтиқ таёк билан саватни олибди-да, Яковга товукнинг патини юлиб, ичини ошкўклар билан тўлдириб, қизартириб пиширишни буюрибди. У дарҳол ишга тушиб товукни сўйибди ва ўни қайноқ сувга ботириб, эпчиллик билан патларини юлибди, терисини шилибди, ичини яхшилаб тозалабди. Кейин товукнинг ичини ошкўклар билан тўлдириш пайти етибди. Яков кампирнинг рўзғори турадиган казнокка кириб, зарур нарсаларни танлай бошлабди. Бирдан у казнок деворидаги кичкина шкафни кўриб қолибди, аввалари унга сира эътибор бермаган экан. Қараса, шкафнинг эшиги қия очик, Яков қизиқси-

ниб ичига қараса кичиккина саватлар турганмиш. У саватлардан бирининг оғзини очибди ва умрида сира учратмаган ғаройиб кўкатларни кўрибди. Уларнинг пояси яшил рангга мойил, ҳар навдасида — сарғиш хошияли кип-қизил гул бор экан. Яков гулларнинг бирини бурнига тутибди-да, бирдан таниш ҳидни туйибди — у бу ерга келган чоғида кампир ичирган шўрвадан ҳам шундай ҳид анкиган экан. Ҳид шунчалик ўткир эканки, Яков бир неча марта каттиқ чучқурибдию, уйғониб кетибди.

У ҳайрон бўлиб атрофига аланглабди ва кампирнинг ошхонасидаги худди ўша диванда ётганини кўрибди.

«Хўп ғаройиб туш кўрибманми! Худди ўнгдай-а! — деб ўйлабди Яков.— Ҳаммасини сўзлаб берсам онам роса ҳузур қилиб куладилар-да! Дарров изимга қайтиб — бозорга бормаганим учун роса тазиримни берадилар!

У дивандан ирғиб турди ва онасининг ёнига югуриб кетмоқчи бўлди, лекин танаси ёғочдек қотиб қолганини, бўйни тортишиб — бошини қимирлата олмаслигини ҳис қилди. У нуқул бурни билан деворга ёки шкафга урилар — бир гал тез ўгирилганда ҳатто эшикка ҳам урилиб кетди. Олмаҳон билан каламушлар унинг кетишини иташмагани учун Яковнинг атрофида чийиллаб уймаланишарди. Яков ҳам уларни ташлаб кетишга кўзи қиймай бирга кетайлик деб чақирди, лекин улар ёнғоқ пўчок қийган оёқларида дарров ичкаридаги хоналарга

кириб кетишди ва бола анчагача уларнинг аянчли чийиллашини узоқдан эшитиб турди.

Кампирнинг уйи бозордан анча йироқда бўлгани учун Яков бозорга боргунча илангбиланг тор кучалар оралаб узоқ юрди. Кўчаларда одам жуда гавжум эди. Айниқса Яковнинг теварак-атрофини ўраб олган одамлар:

— Анави паканани қаранглар, бунча бадбашара! — деб бақиришарди. Қаёқдан пайдо бўлиб колди-я? Бурни бунча узун! Бошини кўринглар. Бўйни ҳам йўқ, боши шундоққина елкасидан чиқиб турибди-я! Қўллари-чи, қўллари!.. Нақ товонига етади-я!

Бошқа пайт бўлганда-ку, Яков жон деб паканани тамоша қилгани югурарди-я, лекин бугун унинг вақти йўқ — онасини ёнига шошилиши керак.

Ахийри Яков бозорга етиб борди. У онасининг танбеҳидан роса қўрқарди. Ханна ҳамон ўша жойида ўтирар, саватида ҳали сабзавот тула эди — демак, Яков унчалик кўп ухламабди. Бола узоқданок унинг негадир хафалигини сизди. Юзидан қоңи қочган онаси қўлини чаккасига тираб, маъюс ўтирарди.

Яков онаси ёнига яқин йўлашга ботинмай узоқ турди. Ниҳоят у дадилланиб, орқа тарафдан аста келди-да, қўлини онасининг елкасига қўйиб, деди:

— Ойи, сизга нима бўлди? Мендан хафамисиз?

Ханна ўгирилиб қаради ва Яковни кўриб даҳшатдан кичкириб юборди.

— Мендан сенга нима керак, бадбашара пакана? — деб бакирди Ханна. — Йўқол, кўзимга кўринма! Ҳазил-мазахни ёмон кўраман!

— Нима деяпсиз, ойижон! — кўрқиб деди Яков. — Паришонроқмисиз дейман! Нега мени хайдайсиз?

— Йўлингдан қолма! — жаҳл билан бакирди Ханна. — Ҳазил қилиб бир нималик бўламан деб ўйлама, бадбашара ўлгур!

— «Онам ақлдан озибди! — деб ўйлади бечора Яков. — Уни энди қандай қилиб уйга олиб кетаман?»

— Менга яхшилаб қаранг, ойижон, — деди у йиғлаб. — Ахир мен ўғлингиз Яковман!

— Энди мана буниси ошиб тушди! — деб бакирди Ханна қўшниларига мурожаат қилиб. — Мана бу бадбашара паканани кўринглар! Ҳамма харидорларимни чўчи-тиб қочиргани етмагандай, мен шўрликнинг устимдан кулгани ортикча! Сенинг ўғлингман, Яков ўғлингман, дейди нуқул, ярамас!

Ханнанинг ёнидаги бозорчи хотинлар сакраб ўришларидан туриб Яковни уриша кетишди:

— Шўрликнинг устидан кулма! Етти йил бурун унинг ўғлини ўғирлаб кетишди. Шундай ўқтам бола эдики — нақ қуйиб қўйгандай! Йўқол бу ердан, бўлмасам кўзларингни ўйиб оламиз!

Боёқиш Яков нима дейишини ҳам бил-

мас эди. Ахир, у шу бугун эрталаб онаси билан бозорга келиб, сабзавотларни жойлаштириб берган, кейин карамларни кампирнинг уйига кўтаришиб борган, унинг уйига кириб, бир товоқ шўрвасини ичиб, бир пас ухлади-ю, мана энди қайтиб келди. Бозорчи хотинлар бўлса етти йил дейишади. Яна, Яковни бадбашара, пакана дейишяпти. Унга нима бўлган ўзи?

Яков йиғлай-йиғлай бозордан чиқиб кетди. Онаси уни тан олмаса, отасининг ёнига борақолади.

«Кўрамиз,— деб ўйлади Яков.— Нахотки, отам ҳам мени кувиб юборса? Эшик ёнида туриб, сўраб кўрай-чи».

Яков этикдўзнинг дўконига борди, у ҳар вақтдагидай ишлаб ўтирарди. Яков эшик ёнига бориб, дўконга мўралаб қаради. Фридрих ишга шундай берилиб кетган эдики, аввалига Яковнинг турганини пайкамади. Лекин кўкқисдан бошини кўтардию кўлидан бигизи билан мумланган ипи тушиб кетди:

— Бу нима деган гап! Бу нимаси? — деб кичкириб юборди у.

— Хайрли кеч, хўжайин,— деди Яков ва дўконга кирди.— Аҳволингиз қалай?

У ҳам Яковни танимади чоғи:

— Ёмон, таксир, жуда ёмон! — деб жавоб кайтарди.— Иш юришмаяпти. Ёшим кайтган, якка ёлғизман — шогирд ёллай десам, пулим етмайди.

— Уғлингиз йўқми ёрдам беришга? — сўради Яков.



— Бир ўғлим бор эди, оти Яков эди,— деб жавоб берди этикдўз.

— Ҳозир йигирмага кириб қоларди. У бўлганда-ку, қўлтиғимга кириб қоларди-я. Энди ўн иккига кирган, жуда ақли расо бола эди! Ҳунардан ҳам хабардор, оёқ-қўли чакқон, чиройли бола эди! У бўлганда-ку, буюртмачиларнинг қадами узилмасди, ямоқчилик қилмасдим — фақат янги бошмоқларни тикардим. Илож канча, қисматим шу экан!

— Ҳозир ўғлингиз қаерда? — яна сўради Яков.

— Ёлғиз худонинг ўзи билади, уни бозордан олиб кетганларига етти йил бўлди.— Оғир хўрсиниб жавоб берди этикдўз.

— Етти йил? — даҳшат билан такрорлади Яков.

— Шундоқ, тақсирим, етти йил бўлди. Ҳозир бўлгандай ёдимда: хотиним бозордан дод-фарёд қилиб келиб қолди; қоронғи тушса ҳам боладан дарак йўқ. Хотиним кечгача уни излаган, кўрмадингларми, деб ҳаммадан суриштирган,— лекин топмаган. Мен доим оқибати шундай бўлади, дердим. Яковимиз — гапнинг рости — кўзга яқин бола эди, хотиним у билан фахрланар, кўпинча одамларнинг сабзавотини элтиб беришга кўмаклашгин, деб юборарди. Хизматини дуруст тақдирлашарди, лекин мен хотинимга доимо: «Эҳтиёт бўл, Ханна! — дегучи эдим.— Шаҳар катта, ёмон одамлар кўп. Яковимизни ёмондан асрасин!» Айтганим тўғри чиқди! Ўша куни бозорга кан-

дайдир бадбуриш хотин келганмиш, танлаб-танлаб ахийри, анча сабзавот харид қилибди. Ўзи кўтариб кетиши амри маҳол экан, Ханна кўнгилчанлик қилиб болаши қўшиб жўнатибди. Шу-шу боладан дарак йўқ.

— Ўшандан бери етти йил ўтдимиз?

— Кўкламда етти йил бўлади. Биз уни хўп қидирдик, уйма уй юрдик, ҳаммадан суруштирдик — уни кўпчилик танирди, ўктам боламизни ҳамма яхши кўрарди, — лекин қанча изламайлик топмадик. Ханнадан сабзавот харид қилган аёлни ҳам ўшандан бери ҳеч ким кўрмаган. Ёши тўқсонларга борган бир кекса кампир Ханнага: «У эллик йилда бир марта шаҳарга тушиб, бозор қилиб кетадиган ёвуз сеҳрган Крейтервейс бўлиши мумкин», дебди.

Яковнинг отаси суҳбат орасида этикни болгалаб, узун мумланган ипни тортиб чиқарарди. Ўзига нима бўлганини Яков энди тушунди. Демак, у бошидан кечирган саргузаштларни тушида кўрмаган, балки етти йил ёвуз сеҳргарникида олмаҳон бўлиб, хизмат қилган экан. Шунини ўйларкан, алам қилганидан юраги тарс ёрилай дерди. Умрининг етти йилини ёвуз кампир ўғирлабди, эвазига у нимага эга бўлди? Кокос ёнғоғи пўчоқларини тозалаш, ойнаванда полни яраклатиб артишу ҳар хил лаззатли таомларни тайёрлашни ўрганди!

У дўкон остонасида анчагача миқ этмай турди. Ахийри этикдўз ундан сўради:

— Балким дуконимда бирон нима сизга ёкиб қолгандир, тақсир? Туфли олмайсизми, балки сиз,—қария бирдан қулиб юборди,—бурнингизга ғилоф сотиб оларсиз?

— Бурнимга нима қилибди? — сўради Яков.— Бурнимга ғилофнинг нима кераги бор?

— Ихтиёрингиз,— деб жавоб қилди этикдўз,— лекин менинг бурним шунақа бедаво бўлганида, албатта унга пушти рангдаги майин теридан ғилоф ясаб кийгизардим. Кўринг-чи, менда бир парча майин тери бор. Аммо шунисиям борки, сизнинг бурнингизга анча-мунча чарм етмайди. Яна ўзингизга ҳавола, тақсирчам. Бурнингиз билан эшикни тез-тез туртиб турсангиз керак-а.

Яков хайрон бўлганидан миқ этолмай қолди. У бурнини пайпаслаб кўрди — бурни йўғон ва узун, икки чоракдан кам эмас эди. Ёвуз кампир уни бадбашара қилиб қўйган экан-да. Онаси мана шунинг учун ҳам уни танимаган.

— Хўжайин,— деди у йиғламсираб,— кўзгу йўқми? Бир қараб олишим керак.

— Сизга ростини айтайми, афандим,— деди этикдўз,— афтингиз унақа бино кўядиган эмас, ҳар дақиқа ўзингизни кўзгуга солишга зарурат йўқ. Бу одатни ташланг — сизга асло ярамайди.

— Менга тезроқ кўзгу беринг, тезроқ! — деб ёлворди Яков.

— Илтимос қиламан, менга жуда зарур. Албатта, ўзимга бино қўйганимдан эмас...

— Э, кўйинг-е! Кўзгу йўк менда! — жаҳли чикди этикдўзнинг.

— Хотинимда бир парчагина кўзгу бўларди, билмайман, аллақаяёқларда қолиб кетган. Башарамни кўраман деб жуда ўлиб турган бўлсангиз — ана қаршингизда сартарош Урбаннинг дўкони. Ана унда бўйингизга икки баробардан ҳам катта келадиган кўзгу бор. Бориб кўнглингиз тилаганича ўшанга тикилинг. Сизга соғлиқ-саломатлик тилайман.

Этикдўз шундай дедию секингина туртиб Яковни дўкондан чиқариб, орқасидан эшикни ёпиб кўйди. Яков бўлса тезда кўчани кесиб ўтиб, ўзи илгарилари яхши таниган сартарошнинг дўконига кирди.

— Хайрли тонг, Урбан,— деди у.— Сиздан бир илтимос: марҳамат қилиб, кўзгуингизга қараб олишга ижозат берсангиз.

— Бемалол. Ана, чап тарафдаги деворга суяб кўйганман! — деб кичкирди Урбан ва қаҳ-қаҳлаб кулиб юборди.— Кўринг, ўзингизни тамоша қилинг, ахир сиз ҳусн бобида яғонасиз — хипчагина, сарв қомат, бўйингиз нақ оққушникидай, қўлларингиз маликаникидай, бурнингиз бўлса,— оламда тенги топилмайдиган бурун! Албатта, сиз уни кўз-кўз қилишни истайсиз, майли, ўзингизни ойнага солгингиз келган экан, бажонидил. Ҳуснига ҳасад қилиб, кўзгуга ҳам қаратмабди, деб юришмасин тағин.

Урбаннинг дўконига соч-соқолларини тарашлатгани келганлар унинг ҳазил-мутойнабасига қаҳ-қаҳлаб кулишарди. Яков кўзгу

ёнига борди ва беихтиёр орқага тисарилиб кетди. Кўзларидан ёш тиркиради. Нахотки мана шу бадбашара пакана ўзи бўлса! Кўзлари чўчканикидек кичкина эди, сўлақмондай бурни оғзига тушиб, осилиб турар, бўйни эса мутлако кўринмасди. Боши елкаси узра кўндирилганлигидан уёқ-буёқка сира ҳам буролмасди. Бўйи ҳамон ўша етти йил бурунгидай, — кичкина эди. Бошқа болалар бу йиллар ичида бўйига анча ўсган бўлса, Яков энига кенгайган эди. Унинг елкаси билан кўкраги хаддан ташқари кенг эди, у тикиштириб нарса тўлдирилган қанорга ўхшарди. Қилтирик калтагина оёқлари унинг оғир гавдасини зўрға кўтарарди. Қўллари, чангалсимон бармоқлари аксинча, катта кишиларникидай узун бўлиб, ерга теккудай осилиб турарди. Бечора Яков ана шундай аҳволга тушиб қолганди.

«Ҳм, — ўйланиб қолди у чуқур хўрсиниб, — ўғлигизни танимаганингиз бежиз эмас экан, онажон! Қўни-қўшниларга мактаб, оғзингиздан бол томган кезларда у тамомила бошқача эди!»

Яков ўша қўни эрталаб ёвуз, сеҳргар кампир онасининг ёнига қандай келганлигини эслади.

Ўшанда узун бурун, қовжираган бармоқлар устидан кулган бўлса, мана, кампир ҳаммасини жазо қилиб ўзига қайтарган эди. Кампир ваъда қилганидай уни бўйнидан ҳам маҳрум этганди...

— Хўш, ҳусни-жамолингни тамоша қилиб бўлдингми? — қулиб сўради Урбан,

кўзгу ёнига келиб Яковни бошидан оёғига-  
ча кўздан кечираркан. — Ўлай агар, бунака  
кулгили паканани тушингдаям кўрмайсан.  
Биласанми болакай, сенга бир иш таклиф  
қилмоқчиман. Сартарошхонада мижозлар  
кўп, лекин аввалгича эмас. Негаки, кўш-  
ним Шаум қайдандир бир найновни топиб  
келган, ўша мижозларимни айнитиб ўзига  
ағдариб олаяпти. Найнов бўлиш унга катта  
муаммо эмас. Сендақа пакана бўлиши, —  
бу тамомила бошқа гап. Менинг хизматим-  
га киргин, болакай. Бошпана, озиқ-овкат,  
кийим-бош билан ўзим таъминлайман, ки-  
ладиган ишингиз сартарошхона эшиги ёни-  
да туриб халойикни чорлаш бўлади. Яна  
совунни кўпиртириб, сочиқ узатиб турасан.  
Ўйлайманки, икковимиз ҳам бундан ман-  
фаат кўрамиз: дўконимдан соч тарашла-  
тувчилар аримайди, найновни эшикка қўй-  
ган Шаумдан кўра кўп одам келади, ва  
сенга ҳар бири чой чақа беради.

Яков ичида жуда хафа бўлди — унга  
сартарошхонада тамоша бўлишни таклиф  
этишса-я! — лекин иложи канча, бу хўр-  
ликни ҳам ичга ютишга тўғри келди.  
У хотиржамлик билан иши кўплигини, бу  
таклифни қабул қилолмаслигини айтди-да,  
чикиб кетди.

Яковнинг танаси беўхшов ҳолатда бўлса  
ҳам, мияси аввалгидек яхши ишларди.  
У шу йил ичида анча улғайиб қолганини  
хис қилди.

У кўчада бораркан: «Бадбуруш бўлиб  
қолганим алам қилмайди — деб ўйларди. —

Отам билан онамнинг итдай қувиб солгани алам қилади. Онам билан яна бир бор гаплашиб кўраман. Таниб қолса ажаб эмас».

Яков яна бозорга қараб кетди, онасининг ёнига боргач, ундан гапларини хотиржам тинглашни илтимос қилди. У ўзини кампир қандай қилиб олиб кетганини эслатди, болалигида бошидан кечирганларини санаб берди, мазах қилгани учун аввалига уни олмахонга айлантириб, кейин пакана қилиб қўйган сеҳргар кампирниқидда етти йил яшаганини сўзлаб берди.

Ханна нима дейишни билмасди. Пакананинг болалиги ҳақидаги сўзларнинг ҳаммаси тўғри эди, лекин унинг етти йил олмахон бўлиб яшаганига сира ақли бовар қилмасди.

— Бўлиши мумкин эмас! — деди Ханна.

Ахийри Ханна Яковнинг отаси билан маслаҳатлашмоқчи бўлди. Саватларини йиғиштирди ва Яковга у билан бирга этикдўзнинг дўконига боришни таклиф қилди. Етиб борганларидан кейин Ханна эрига қараб:

— Манави пакана, сизларнинг ўғлингиз Яков бўламан, дейди. Етти йил илгари мени сеҳргар кампир ўғирлаб кетиб жодулаб қўйган, дейди...

— Шунақа дегин! — жаҳл билан унинг сўзини бўлди этикдўз.

— Сенга ҳаммасини сўзлаб берибди-да? Шошма, тентак! Ҳозиргина мен ўзим Яковимиз тўғрисида унга гапириб берувдим,

у бўлса тўғри сенинг ёнингга бориб, сени ахмок қилибди-да... Сени сеҳрлаб қўйишганми? Қани бир синаб кўрай-чи!

— Этикдўз қайишини олиб, Яковни савалай кетди, пакана фарёд чекиб дўкондан қочиб чиқиб кетди.

Шўрлик пакана кечгача емай-ичмай шаҳарда гандираклаб юрди.

Унга ҳеч кимнинг раҳми келмас, ҳамма унинг устидан куларди. У черковнинг совук зинасида тунади.

Офтоб чиқиши билан Яков ўрнидан турди-да, кўчама-кўча сарсон-саргардон лайдий бошлади.

У «Энди қандай яшайман? — деб ўйларди.— Сартарошнинг эшигида ғўдайиб туришни ёки пул тиланиб ўзимни кўз-кўз қилишни истамайман, ота-онам бўлса мени ҳайдаб юборишди. Очликдан ўлмаслик учун нима қилсам экан-а?»

Яков бирдан кампирникида олмахонга айланиб яшаб юрганида пазандаликни ўрганиб олганини эслади. У герцогникига ошпаз бўлиб ёлланишга қарор қилди.

Бу мамлакатни бошқариб турган герцог эса хуштаъм овқатга жуда ўч экан. Унинг энг яхши кўрган иши мазали таом танавул қилиш бўлиб, жаҳоннинг ҳамма мамлакатларидан пазанда ёллаб келтирган экан.

Яков кун ёришгунча кутди ва герцог саройига қараб йўл олди. -

Сарой дарвозасига етиб келганида унинг юраги дук-дук урарди. Дарвозабонлар унга



нима кераклигини сўрадилар ва мазах килиб устидан кула бошладилар, лекин Яков ўзини йўқотиб қўймади, балки баковулни кўрмоқчи эканлигини айтди. Уни аллақандай ховлилардан олиб ўтдилар, унга кўзи тушган герцогнинг хизматкорлари қах-қахлаб кулишар ва кетидан югуришарди.

Кўп ўтмай Яковнинг орқасидан эргашиб юрганлар кўпайди. Отбоқарлар қўлларидаги қашлагичларини ташлашди, болалар эса ундан орқада қолмаслик учун кетидан югуришди, хизматкорлар гилам қоқишни тўхтатишди. Хамма Яковнинг атрофида уймаланарди, худди шаҳарга ёв бостириб келгандай саройнинг ховлиси ғала-ғовурга тўлиб кетди. Хаммаёқдан:

— Пакана! Пакана! Паканани кўрдингларми? — деган овозлар эшитиларди.

Ахийри ҳовлига узун қамчи тутган, уйқусираган бақалок киши — сарой назоратчиси чиқди.

— Хей, итваччалар! Бу нима шовкин? — деб бақирди у, отбоқар ва хизматкорларнинг елкаларига аямай қамчи тушираркан. — Герцогнинг ҳали уйқудалигини билмайсанларми?!

— Кимни келтиришганини бир кўринг, афандим! — дейишарди дарвозабонлар. — Ҳақиқий пакана! Бунақасини ҳали ҳеч қачон кўрмаган бўлсангиз керак.

Яковга кўзи тушгач назоратчи башарасини буруштирди ва кулиб юбормаслик учун лабини қаттиқ кимтиди — у отбоқар-

лар олдида кулишни ўзига эи билмасди. Тўнланганларни қамчи билан савалаб таркатиб юборгач Яковнинг қулидан тутиб, саройга бошлаб кирди-да, унга нима кераклигини сўради. Яковнинг баковулни кўриш истагини эшитган назоратчи:

— Ундаймас, болакай! Сенга сарой назоратчисн, яъни мен керакман. Ахир, сен герцог саройида пакана бўлиб ишламоқчисан-да, а?

— Йўқ ундай эмас, афандим,— жавоб берди Яков.— Мен пазандаман, камёб таомларни пиширишни биламан. Илтимос, мени баковул хузурига бошлаб боринглар. Балки у менинг санъатимни синаб кўришга рози бўлар.

— Ихтиёринг, болакай,— деди назоратчи,— ҳали эсингни танимаган кўринасан. Сарой паканасн бўлганингдами, ҳеч иш қилмасдан еб-ичиб, ўйнаб-кулиб, ясаниб-тусаниб юрардинг, сен бўлсанг, ошхонада ишламоқчисан! Лекин ҳали кўрамиз, герцог учун таом тайёрлаш қўлингдан келармикан, ёрдамчиликни эпласанг керак ҳар ҳолда.

Назоратчи шу сўзларни айтиб Яковни баковул ёнига бошлаб борди. Пакана унга таъзим қилди-да;

— Марҳаматли жаноб, сизга уста пазанда керакмасми? — деб сўради.

Баковул Яковни бошдан оёқ кўздан кечирди-да, хахолаб кулиб юборди.

— Сен ошназ бўлмоқчимисан? — деди у.— Нима, ошхонамизнинг ўчоқлари шуна-

ка пастак деб ўйлайсанми? Оёгингнинг учида турсанг ҳам қозонларнинг ичини кўролмайсан. Йўқ, митти дўстим, меннинг кўлимда ошпаз бўлиб ишлашни кимки маслаҳат берган бўлса, қалтис ҳазил қилибди.

Баковул яна хахолаб қулди, унинг кетидан — сарой назоратчиси ва шу хонада турганларнинг бари қаҳ-қаҳлади. Яков ўзини йўқотмади.

— Баковул жаноблари! — деди Яков. — Бир-иккита тухум, озгина ун, вино ва зираворларни қизғанмасангиз керак. Менга бирор лаззатли таомни пиширишни буюринг-да, уни тайёрлашга зарур масалликларни ҳозирлатинг. Ҳамманинг кўз олдида, бир зумда тайёрлайман. Ана шунда: «Койил, ҳақиқий пазанда экансан!» дейсиз.

Яков кичкина кўзларини йилтиратиб, бошини ирғаб, анчагина баковулни кўндиришга уринди. Ахийри баковул рози бўлди.

— Бўпти! — деди у. — Майли, бир ҳазил тариқасида кўрайлик-чи! Ҳаммангиз ошхонага юринглар, сиз ҳам юринг, сарой назоратчиси.

У сарой назоратчисини кўлтиқлаб олдида, Яковга кетидан юришни буюрди. Улар ҳашаматли хоналар ва узундан узун йўлаклардан ўтиб, ахийри ошхонага чиқишди. Бу йигирмата қопқокли баҳайбат ўчоқ ўрнатилган, шифти баланд хона эди. Ўчоқнинг тагида кечаю-кундуз олов ёнарди. Ошхона ўртасида ҳовуз бўлиб, тирик баллиқларни шу ерда сақлашарди. Деворлар-

даги мармар ва ёғоч шкафлар кимматбаҳо идишлар билан тўла эди. Ошхонанинг ёнгинасидаги ўнта катта оморда турлитуман озик-овқатлар, ширинликлар ғамланган эди. Ошпазлар, ёш ошпазлар, қозон-товоқ ювувчи аёллар кастрюллар, това, пичок-қошиқларни жангиллатиб у ёқ-буёққа тинимсиз ўтиб туришарди. Баковул пайдо бўлиши билан хаммалари турган ерларида қотиб қолдилар, ошхонага жимлик чўкди: фақат ўчоқ тагида олов чарсилар, ховуздаги сув жимирларди.

— Биринчи нонуштага жаноб герцог нима буюрадилар? — баковул нонушталар бош мудирини — баланд қалпоқ кийган бакалок қолдан сўради.

— Ҳазрати олийлари қизил гамбург узмонтойи солинган Дания шўрваси буюрадилар, — эҳтиром билан жавоб берди ошпаз.

— Яхши, — давом этди баковул. — Жаноб герцог нима ейишни истаганини эшитдингми, пакана? Мана шунақа қийин таом тайёрлашни сенга ишониб топширса бўладими? Гамбург узмонтойини тайёрлай олмасанг керак. Бу бизнинг пазандаларнинг сирини.

— Бундан осони йўқ, — деди пакана (олмахон бўлган чоғида кампир учун тез-тез шундай таом тайёрлагучи эди). — Шўрва учун менга фалон-писмадон ошқўқлар ва зираворлардан, ёввойи қобон ёғидан, тухум ва сабзавотлардан беринглар. Узмонтой учун эса, — баковул билан нонушта-

лар бош мудиридан бўлак ҳеч ким эшитмасин учун шивирлаб сўзлай бошлади,— узмонтой учун эса менга тўрт хил гўшт, озгина пиво, ғоз мойи, занжабил ва «ошқозон эрмаги» деган кўкатдан керак.

— Ё тавба, ҳаммаси тўғри! — ҳайрон бўлиб бакириб юборди ошпаз.— Қайси, мўъжизакор ўргатган сенга бу хунарни! Ҳаммасини аниқ санаб бердинг. «Ошқозон эрмаги» кўкати ҳақида эса ўзим биринчи бор эшитишим. Шунини кўшса узмонтой янаям яхши чикса керак. Сен пазанда эмас, мўъжизанинг ўзгинаси экансан!

— Мен бунини ҳеч қачон ўйлаб тополмаган бўлардим! — деди баковул.— Қани бўлмасам, бир тажриба қилиб кўрамиз. Унга керакли масалликларни, идиш-товоқ ва умуман ҳамма зарур нарсаларни беринглар, майли, герцогга нонушта ҳозирласин-чи.

Ошпазлар буйруқни бажо келтириб, ҳамма керакли нарсаларни ўчоқ ёнига тахт қилиб қўйганларидан кейин пакана ишга киришмоқчи эди, маълум бўлдики, ўчоққа унинг бурни зўрға етар экан. Ўчоқ ёнига стул келтириб қўйишга тўғри келди, пакана унинг устига чиқиб таом тайёрлашга киришди. Ошпазлар, ёрдамчи ошпазлар, идиш-товоқ ювувчилар паканани қуршаб олишди ва ҳайронликдан кўзларини катта-катта очиб, унинг эпчиллик билан ишлашини кузатиб турдилар.

Таомни қайнатиш учун келтирганидан сўнг пакана иккала қозонни оловга қўйиш-

ни, ўзи буюрмагунча оловдан олмасликни буюрди. Кейин: «Бир, икки, уч, тўрт...» дея санай бошлади ва беш юзга етганидан кейин: «Бўлди!» — деди.

Ошпаз ёрдамчилари қозонни оловдан олишди ва пакана баковулга таомдан танавул қилиб кўришни таклиф этди.

Бош ошпаз олтин қошиқни келтиришни буюрди, уни ҳовузда чайиб олгач, баковулга узатди. У ўчоқ ёнига тантанавор ҳолда яқинлашди, буғи чиқиб турган қозонларнинг қопқоғини очди ва шўрвадан ҳам, узмонтойдан ҳам татиб кўрди. Бир қошиқ шўрвани очгач, ҳузур қилганидан кўзини чирт юмди, бир неча бор танглайини тақиллатиб: «Бай, бай, бай...» дея тамшаниб қўйди.

— Қасамёд қиламанки, жудаям мазали! Сиз ҳам тотиб кўрмайсизми, жаноб сарой назоратчиси?

Сарой назоратчиси таъзим билан қошиқни олди. Таомдан татиб кўрди ва унинг лаззатлилигидан ўйинга тушаёзди.

— Сизни хафа қилмоқчи эмасман, кадрли нонушта мудир, — деди у, — сиз ажойиб тажрибали пазандасиз, лекин бунақа шўрва билан узмонтойни пишириш ҳали сизга насиб этмаган.

Ошпаз ҳам иккала таомдан татиб кўрди, ҳурмат-эҳтиром билан пакананинг қўлини қисди-да:

— Сен буюк пазанда экансан, йигит! Сенинг «ошқозон эрмаги» деган ошқўкинг

шўрва билан узмонтойни янаям лаззатли килиб юбораркан,— деди.

Шу маҳал ошхонада герцогнинг мулозими пайдо бўлди ва хўжаси учун нонушта сўради. Шу заҳоти таомларни кумуш таксимчаларга суздилар-да, юқорига чиқариб юбордилар. Баковул мамнун бўлиб паканани ўз хонасига бошлаб кетди ва ундан ўзи кимлигини, қаёқдан келиб қолганини суроштирмоқчи бўлди. Улар ўтириб, энди сухбатга киришганларида, герцог юборган одам келиб, баковулни герцог чақираётганини хабар қилди. Баковул зудлик билан энг яхши либосларини кийди ва ўша одам билан емакхонага қараб кетди.

— Герцог ўзининг чуқур креслосида ялпайиб ўтирарди. У таксимчаларга сузилган таомларни сира қолдирмай еб бўлиб, шойи сочик билан лабини артмоқда эди. Унинг чехраси порлар, хузур қилганидан кўзлари юмилиб кетган эди.

— Менга қара,— деди баковулни кўриб,— мен ҳаммавақт сизларнинг хизматингиздан мамнун эдим, лекин бугунги нонушта айниқса лаззатли экан. Буни тайёрлаган ошпазнинг исмини айт, мукофотга бир неча дукат юборай унга.

— Жаноб олийлари, бугун фаройиб воқеа юз берди,— деди баковул.

Сўнгра эрталаб унинг ёнига бир пакана кишини бошлаб келганларини, у эса сарой ошпази бўламан деб туриб олганини сўзлаб берди. Унинг ҳикоясини эшитиб Герцог жуда хайрон бўлди. У паканани чақиритиш-

ни буюрди ва кимлигини суриштирди. Бечора Яков етти йил олмахон бўлганини, кампирнинг хизматини қилганини сўзлагиси келмади, лекин ёлғон сўзлашни ёмон кўрарди. Шунинг учун у герцогга отаси ҳам, онаси ҳам йўқлигини, пазандаликни бир кампирдан ўрганганини айтди. Герцог пакананинг ғаройиб афти ангорини мазах қилиб турди-да, ниҳоят деди:

— Майли, меникида қолақол. Мен сенга йилига эллик дукат ҳақ тўлайман, бир ҳайитлик либос ва яна икки жуфт чолвор бераман, бунинг эвазига сен ҳар куни менга нонушта хозирлайсан, тушликни қандай тайёрлашаётганини кузатасан, умуман, дастурхонимни бошқарасан. Менинг хизматимдагиларга лақаб қўйиш одатим бор. Сени Бурунбой Пакана деб атаймиз, бунинг устига бакавулга ёрдамчи қилиб тайинлаймиз.

Бурунбой Пакана ергача букилиб герцогга таъзим қилди, марҳамати учун миннатдорчилик билдирди. Герцог унга жавоб бергач, Яков қувона-қувона ошхонага қайтди. Энди у тақдири ҳақида, эртага ҳоли нима кечиши тўғрисида ташвишлан-маса ҳам бўларди.

У хўжасига яхшилаб миннатдорчилик билдиришга аҳд қилди. Фақат мамлакат герцогигина эмас, балки бутун сарой аҳли кичкина ошпазнинг мактовини келтиролмасди. Айтиш мумкинки, Бурунбой Пакана саройга ошпаз бўлиб ўрнашганидан бери герцог бутунлай бошқа одам бўлиб қолди.



Илгарилари у овкат ёкмаса ошпазларга каратиб идиш-товок отишдан ҳам тоймас, бир гал шундай қаттиқ жаҳли чиккандики, яхши пишмаган бузук туёғи билан баковулни тушириб қолганди. Туёк бечоранинг пешонасига тегиб, шундан кейин у уч кунгача кўрпа-тушак қилиб ётиб олганди. Шунинг учун овкат пишираётиб ҳамма ошпазлар дир-дир титраб турардилар.

Лекин Бурунбой Пакана келиши билан ҳамма шароит ўзгарди. Герцог энди аввалгидек кунига уч марта эмас, балки беш марта овкатланар, пакананинг маҳоратига таҳсинлар уқирди. Унинг пишириб келган ҳар бир овкати жудаям лаззатли туюлар, герцог кундан кунга семириб борарди. У кўпинча дастурхонига Паканани баковул билан бирга чорларди ва ўзлари ҳозирлаган таомдан татишга мажбур қиларди.

Шаҳар аҳли бу ажойиб Паканага қойил қолишарди. Ҳар куни сарой ошхонаси эшиги ёнида халойиқ тикилиб кетар — ҳамма Пакананинг қандай қилиб таом тайёрлаётганини кўришга ижозат беришни ундан илтимос қиларди. Шаҳар бойлари эса ўз ошпазларини сарой ошхонасига бориб, паканадан таом тайёрлашни ўрганиб келишига герцогдан ижозат сўрардилар. Бу паканага катта даромад келтирарди — ҳар бир шогирди учун унга бир кунга ярим дукат ҳақ тўлардилар, — аммо, бу пулларни у, ҳасад қилиб юришмасин, деб бошқа ошпазларга берарди.

Яков шундай қилиб саройда бир йил

яшади. Агар отаси билан онасининг қувиб юборганини ҳадеб эслайвермаганда уни ўз такдиридан мамнун десак ҳам бўларди. Фақат шу нарсагина унинг кўнглини ғаш қилиб турарди.

Кунларнинг бирида мана шундай воқеа рўй берди.

Бурунбой Пакана бозор оралаб масаллик харид қилишга уста эди. Одатда бозорга ўзи борар ва герцог дастурхони учун ғоз ва ўрдақларни, ошқўк ва сабзавотларни ўзи танларди. Бир кун эрталаб у ғоз харид қилгани бозорга борди, лекин ғозлар унга ёқмади. У семизроқ ғоз излаб бозорни бир неча бор айланиб чиқди. Энди паканани ҳеч ким масҳара қилмасди. Хамма унга таъзим этар ва ҳурмат билан унга йўл берарди. Ҳар бир бозорчи аёл агар Пакана унинг ғозини сотиб олса, ўзини бахтиёр санарди.

Айланиб юриб Яков бирдан бозорнинг нариги бошида, савдогар хотинлардан анча нарида бир аёлни кўрди, илгари уни сира ҳам учратмаганди. У аёл ҳам ғоз сотарди, лекин бошқа бозорчи хотинлар каби молини мактаб кўкларга кўтармас, бир оғиз ҳам сўзламай жимгина ўтирарди. Яков шу аёлнинг ёнига бориб, ғозларни кўздан кечирди, айти у истаганидан экан. Яков қафаси билан бирга уч ғозни — икки эркак ва битта урғочисини харид қилди — қафасни елкасига қўйиб, саройга равона бўлди. Бирданига у икки ғознинг «га-га» лаб қанот кокаётганини ва урғочисининг эса

жимгина кунишиб ўтирганини, ҳатто хўрсиниб-хўрсиниб қўяётганини пайқади.

«Бу урғочи ғоз бетоб,— деб ўйлади Яков.— Бунисини саройга боришим билан ўлиб қолмасидан аввал буюраман».

Бирдан ғоз унинг фикрини пайкаб деди:

Сўймагин, сўйма мени—  
Чўкиб ташлайман сени.  
Агар қалламни олсанг,  
Ўзинг аввал ўласан.

Қафас Яковнинг қўлидан тушиб кетаёзди.

— Мана буни ғаройибот деса бўлади! — деб қичқирди у.

— Сиз сўзлашни ҳам биласизми, ғозхон афандим! Қўркма, сендай ғаройиб қушни ўлдирмайман. Ишончим қомилки, сен ҳар доим ҳам ғоз паида юрмаган бўлсанг керак. Ахир, мен ҳам қачонлардир қичкина олмахон бўлганман-ку.

— Рост айтасан, деди урғочи ғоз.— Мен қуш бўлиб туғилмаганман. Буюк Веттербокнинг қизи Мими ошхона столида, ошпаз пичоғи остида жон беради деб ҳеч ким хаёлига келтирмаган.

— Ташвишланманг, қадрли Мими! — хитоб қилди Яков.— Агарда сизга бирон қимса пичоқ теккизса мен виждонли одам ва шафқатли герцогнинг бош ошпази бўлмай кетай! Сиз ажойиб қафасда, менинг хонамда яшайсиз, мен сизни боқаман, сиз билан сўзлашаман. Бу ғозни герцог учун

махсус кўкатлар билан боқиб семиртираяпман, дейман, бошқа ошпазларга. Орадан бир ой ҳам ўтмай, сизни озод қилишнинг йўлини топаман.

Кўз ёшлари шашкатор бўлган Мими Паканага миннатдорчилик билдирди ва Яков ваъдасининг устидан чиқди. У ошхонада ғозни ҳеч ким билмайдиган алоҳида усул билан семиртираётганини айтди ва кафасни ўз хонасига қўйди. Яков Мимига ғоз овқатини эмас, балки печенье, конфет ва бошқа лаззатли таомлар ҳам беради, бир озгина бўш вақти бўлди дегунча, сўзлашиб ўтириш учун унинг ёнига келарди.

Мими Яковга, жодугар кампирнинг машҳур сеҳргар бўлган отаси Веттербок билан уришиб қолиб уни ғозга айлантириб, бу шаҳарга келтириб ташлаганини сўзлаб берди. Пакана ҳам Мимига ўз саргузаштларини ҳикоя қилди:

— Сеҳргарликдан бир оз хабарим бор — отам менга озгина ўргатганлар. Сен кампирни уйига элтиб берганингда кампир шўрвага сеҳрли кўкат солиб сени жодулаган. Агар сен шу кўкатни топиб ҳидласанг, яна ҳамма одамлардай бўлиб қолишинг мумкин.

Пакана бундан жуда қувониб ҳам кетмади: ахир, бунуқа кўкатни қайдан ҳам топарди. Лекин ҳар ҳолда, унда умид найдо бўлди

Бир неча кундан кейин герцогникига бир князь — қўшнисини ва дўсти меҳмон бўлиб

келди. Герцог шу заҳоти Паканани ёнига чақирди-да:

— Менга садоқат билан хизмат қилишингни, ўз санъатингни ҳақиқатдан ҳам устаси эканингни кўрсатадиган пайт келди,— деди. Меникига меҳмон бўлиб келган князь лаззатли таомни яхши кўради, пандаликнинг каддини билади. Унга шунақанги таомлар тайёрлагинки, князь ҳар сафар ҳайрон қолсин. Князь меникида меҳмон бўлиб турган кезлар бир хил таомни дастурхонга икки марта келтирма. Унда сенга шафқат бўлмайди. Ҳазинабондан тилаганингни ол, нима қилсанг қилу князь олдида шарманда этмасанг бўлди.

— Ташвишланманг, марҳаматли афандим,— жавоб қилди Яков икки букилиб таъзим қиларкан.— Ширинтамоқ князингизга макбул таомлар қиламан.

Сўнг Бурунбой Пакана ғайрат билан ишга киришди. У эртадан кечгача ўчоқ ёнида турар ва ингичка товуш билан тўхтовсиз буйруқ берарди. Аллақанча ошпаз ва ошпаз ёрдамчилари унинг ҳар сўзини илиб олиб ошхонада елиб-югурушарди. Яков хўжайинига ёқиш учун ўзиниям, бошқаларниям аямасди.

Князь герцогникида меҳмондорчиликда юрганига икки ҳафта бўлди. Улар кунига беш мартадан кам овқатланишмасди, герцог жуда мамнун эди. Пакананинг пиширган таомлари меҳмонига манзур бўлаётганини кўрарди. Ун бешинчи куни герцог Яковни емакхонага чақириб, уни князга

кўрсатди ва княздан ошпазнинг санъатига муносабатини сўради.

— Жуда яхши пазанда экансиз,— деди князь Паканага,— демак, хузур қилиб овқатланиш нималигини биласан. Шунча вақтдан бери сен бирон таомни икки марта келтирмадинг, ҳаммаси жуда соз бўлди. Лекин менга айт-чи, нега шу чоккача «қиролича пироги» билан бизни зиёфат қилмадинг? Ахир, бу дунёда энг мазали пирог-а.

Пакананинг юраги орқасига тортиб кетди: у бунақа пирог хақида шу чоккача сира эшитмаганди. Лекин у довдираб қолганини сездирмади-да:

— Ҳали яна анча меҳмон бўласиз, деб ўйлаб эдим, афандим, «Қиролича пирогини» кетар чоғингизда тайёрламоқчи эдим. Ахир, ўзингиздан қолар гап йўқ, бу ҳамма пирогларнинг қироли-ку.

— Шундоқ дегин! — деди герцог ва қулиб юборди.— Ахир сен шу чоккача менга «Қиролича пирогини» пишириб бермагансан-ку. Балким, сўнгги бор хурсанд қилиш учун ажалим етган қуни пишириб бермоқчидирсан. Бунинг учун бошқа таом ўйлаб топ!

— Хўп бўлади, жаноб герцог,— жавоб берди Яков ва ташвишланиб, хафа бўлиб чиқиб кетди.

Мана, шарманда бўладиган қуни етди! Бу пирогни пиширишни қаердан билади энди?

У хонасига кирди ва аччиқ-аччиқ йиғлаб



юборди. Қафасдаги Мимининг унга раҳми келди.

— Нега йиғлаяпсан, Яков? — деб сўради ғоз ва Яков унга «киролича пироги» хақида сўзлаб берганидан кейин: кўз ёшингни арт, хафа бўлма, — деди. — Бизникида бу пирог тез-тез дастурхонга тортларди, уни қандай тайёрлашлари эсимда бўлса керак. Мана бунча ун оласан, унга фалон-писмадон зираворни соласан — карабсанки пирог тайёр. Мободо бирон нима етишмаса — хечкиси йўқ. Герцог билан князь бунни барибир сезишмайди. Улар жуда-ям, ўтқир дидлилар тоифасидан эмас.

Бурунбой Пакана севинганидан сакраб юборди ва шу заҳоти пирог пиширишга киришди. Аввалига у ўз маҳоратини синаб кўриш учун кичкинагина пирог пиширди ва баковулга берди. У пирогни жуда мазали эканлигини айтди. Шундан кейин Яков каттакон пирог пиширди ва қайноқлигича герцог дастурхонига юборди. Ўзи эса байрам либосини кийди-да, герцог билан князга бу янги пирог қанчалик манзур бўлишини билгани борди.

У кириб борганида эшик оғаси пирогдан катта бўлакни кесиб кумуш куракчада князга, иккинчи бўлакни — герцогга тутди. Герцог дарҳол пирогдан татиб кўрди ва мамнун бўлиб ўзини стул суянчиғига ташлади.

— Ох-ох-ох, мунча мазали! — хитоб қилди у. — Бунини «Киролича пироги» деб аталиши бежиз эмас экан. Лекин менинг



Паканам — ҳамма ошпазларнинг кироли.  
Тўғрими, князь?

Князь ҳам пирогдан бир бўлак олиб,  
оҳистагина тишлади, яхшилаб чайнади,  
тили билан эзди ва ликобчасини суриб  
қўяркан такаббуруна оҳангда деди:

— Емон эмас! Лекин «Қиролича пиро-  
ги» бўлишига ҳали анча бор экан. Ўзим  
ҳам шундоқ бўлади деб ўйлаган эдим!

Алаמידан герцог қип-қизариб кетди ва  
жаҳл билан қовоғини уйди.

— Ярамас Пакана! — деб бақирди у. —  
Ўз хўжайинининг шармандаи-шармисор  
қилишга қандай ҳаднинг сиғди? Бунақа  
нари-бери овқат тайёрлаганинг учун кал-  
лангини олиш керак сенинг!

— Жаноблари! — деб қичкириб юборди  
Яков тиз чўкиб. — Мен бу пирогни қандай  
тайёрланиш керак бўлса шундай тайёрла-  
дим. Зарур масалликнинг ҳаммасини сол-  
дим.

— Ёлғон гапиряпсан, муттаҳам! — деб  
бақирди герцог ва Паканани тепиб юборди.  
Пирогда нимадир етишмайди деб меҳмоним  
бекорга гапирмайди. Ўзингни тегирмондан  
ўтказиб, пирогга солишни буюраман, бад-  
буруш!

— Шафқат қилинг менга! — аянчли то-  
вушда деди Пакана князнинг этагига ёпи-  
шиб. — Бир ҳовуч ун ва гўшт туфайли ўлиб  
кетмай! Бу пирогда нима етишмади, унинг  
нимаси ёкмади сизга?

— Бунинг сенга нафи кам, азизим Бу-  
рунбой, — жавоб берди князь кулиб. — Бу

пирогни менинг ошпазим пиширганчалик қилиб пиширолмайсан деб кечанинг ўзидаёқ ўйлаган эдим. Унда ошқўкнинг бир хили, етишмайди, уни сизлар ёқда ҳеч ким билмайди. Бу кўкатни «саломатликка чучкур» дейдилар. Бу кўкатсиз «Қиролича пирог» унчалик хуштаъм бўлмайди, сенинг хўжанг эса меникида пишириладиган пирогдан ҳеч қачон татимаган.

— Йўқ, мен татийман, тез орада татийман! — деб кичқирди герцог. — Герцоглик шарафим билан қасамёд этаманки, эртагаёқ худди шунақа пирогни дастурхонда кўрасизлар, ёки бу муттаҳамнинг калласи сарой дарвозаси тепасига илинади. Йўқол, кўппак! Ўз ҳаётингни сақлаб қолишинг учун сенга йигирма тўрт соат муҳлат бераман.

Бечора Пакана аччиқ-аччиқ йиглаб ўз хонасига қириб кетди ва бошига тушган кайғуни ғозга сўзлаб берди. Энди ўлими муқаррар бўлиб қолди!

Ахир у «саломатликка чучкур» деган ошқўқ ҳақида умри бино бўлиб эшитмаган эди-да.

— Агар ҳамма гап шунда бўлса, мен сенга ёрдамлашишим мумкин, — деди Минн. — Отам менга ҳамма кўкатларни кўрсатганлар. Агар бу воқеа икки ҳафта бурун рўй берганида борми, ростдан ҳам ўлим хавфи аниқ бўларди, лекин бахтинг бор экан, ҳозир янги ой, чиққан бу кўкат айни шундай пайтда гуллайди. Саройга яқин ерда қари, қора қайинлар борми?

— Ха! Бор! — хурсанд бўлиб кичкирди Пакана.— Бу ерга жуда яқин боғда бир неча қора қайин ўсади. Лекин уларнинг сенга нима кераги бор?

— Бу кўкат фақат қора қайинлар тагида ўсади.— тушунтирди Мими.— Вақтин бекор ўтказмайлик-да, хозирок бориб уни излайлик. Мени кўтариб, саройдан олиб чиқиб кет.

Пакана Мимини кўлига олди-да, сарой дарвозаси ёнига борди ва ташқарига чиқиб кетмоқчи бўлди. Лекин дарвозабон унинг йулини тўсди.

— Йўқ, азизим Бурунбой,— деди у,— сени саройдан чиқармасликни каттиқ таъинлашган.

— Нахотки, боғда сайр қилишим ҳам мумкин бўлмаса. Илтимос, бирон кимсани назоратчига юборгин-да, менинг боққа чиқиб кўкат теришим мумкинми, йўқми, сўратгил.

Дарвозабон назоратчига одам юборди ва у ижозат берди: боғ атрофи баланд девор билан ўралган бўлиб, ундан қочиб кетишнинг иложи йўқ эди.

Боққа чиққач, Пакана Мимини охишта ерга қўйди ва у кўл бўйида ўсган қора қайинлар тарафга лапиллаб чопди. Яков мунғайиб унга эргашди.

«Агар Мими ўша Кўкатни топмаса, кўлга ўзимни ташлайман,— деб ўйларди у.— Бошингни кесганларидан кўра сувга чўкиб ўлган яхшироқ».

Мими эса бу ерда ҳар бир қора қайин

тагига бориб, тумшуғи билан ҳар бир кўкати титти-питти қилиб чиқди, лекин фойдаси бўлмади — «саломатликка чучқир» деган кўкат ҳеч ерда кўринмади. Алаמידан ғоз йиғлаб юборди.

Оқшом яқин, қош қорайиб, кўкатларни бир-биридан фарқлаш қийинлашиб борарди. Пакана беҳосдан кўлнинг нариги соҳилига қаради ва севинганидан кичкириб юборди:

— Анавини қара, Мими, нариги томонда яна бир қари, қора қайин бор экан! Уша томонга ўтиб излайлик-чи, балки бахтимизни ана шу қайинлар тагидан топармиз.

Ургочи ғоз қанотларини оғир силкитиб учиб кетди. Пакана бор кучи билан унинг ортидан чопди. Кўприкдан ўтиб у қора қайин ёнига борди. Қора қайиннинг шохлари тарвақайлаб кетган япроқлари қуюқ ним қоронғи бўлганлиги учун тагида нима борлигини илғаб бўлмасди. Мими севинганидан қанотларини қоқа бошлади. Ғоз дарҳол тумшуғи билан қандайдир гулни узиб олди ва эҳтиёткорлик билан уни Яковга узутаркан:

— «Саломатликка чучқур» деган кўкат мана шу бўлади,— деди. Бу ерда жудаям кўп экан, сенга анчагача етади.

Пакана кўкати кўлига олди ва унга ўйчан тикилиб қолди. Ундан ўткир, ёқимли хид анқирди. Яков, негадир, кампирнинг омборхонасида товукни ичини тўлдириш учун кўкат териб олган пайтида шунақа



банди яшил, сарик хошияли кип-кизил гулни кўрганини эслади.

Бирдан Яков ҳаяжондан калтираб кетди.

— Биласанми, Мими,— деб бакириб юборди у,— мени олмахонликдан Паканага айлантирган гул худди шу бўлса керак! Шунини бир ҳидлаб кўрай-чи!

— Шошмай тур,— деди Мими,— мана кўкатдан бир боғ олгин-да, сенинг хонанга қайтайлик. Пулланинг ва герцог кўлида ишлаб топганларингни йиғиштириб олгин-да, кейин бу ажойиб кўкатнинг кучини синнаймиз.

Юраги сабрсизликдан қаттиқ тениб турган бўлса ҳам Яков Мимининг айтганини қилди. У чопкилаб ўз хонасига қайтди. Юз дукат акча билан бир неча жуфт кўйлагини рўмолга тугиб, узун бурни билан антика гулни ҳидлади. Бирдан унинг бўғинлари касирлаб кетди, бўйни чўзилди, боши елкасидан сурчилиб чиқди, бурни борган сайин кичрайиб, оёғи эса узайгандан узайди, елкаси ва кўкраги текисланди, ниҳоят ҳамма одамлардай бўлди-қолди. Мими хайратдан лол бўлиб Яковга қараб турарди.

— Мунча чиройлисан!— деб, кичкириб юборди Мими.— Энди сен бадбашара Паканага сира ўхшамайсан!

Яков жуда севиниб кетди. Шу заҳоти у ота-онаси ёнига югуриб бориб, уларга кўрингиси келди, лекин Яков халоскорини хинтмаган эди.

— Агар сен бўлмаганимда мен ула-  
ўлгунимча Паканалигимча колардим, бал-  
ки жаллод болтаси остида ўлиб кетар-  
дим,— деди у ғознинг қанотларини майин-  
гина силаб.— Мен сенга миннатдорчилик  
билдиришим керак. Сени отанг ёнига эста-  
ман, у сени сеҳрдан халос этади. Ахир,  
у ҳамма сеҳргарлардан ақллироқ-ку.

Мими севинганидан йиғлаб юборди.  
Яков бўлса уни кутариб бағрига босди.  
У аста саройдан чиққанида ҳеч ким тани-  
мади ва Мими билан тўғри денгиз томонга,  
унинг сеҳргар отаси Ваттербок яшайдиган  
Готланд оролига караб йўл олди.

Улар узок сафар қилдилар ва ахирин  
ўша оролга етдилар. Веттербок шу заҳоти  
Мимини сеҳрдан халос этди ва Яковга  
жуда кўп акча ва тухфалар инъом қилди.  
Яков дарҳол туғилган шаҳрига қайтди.  
Отаси билан онаси хурсанд бўлиб уни  
кутиб олишди — ахир, у жудаям хушрўй  
бўлиб кетган ва анча-мунча акча келтирган  
эди!

Энди яна герцог ҳақида сузлаб беришим  
керак.

Эртасига эрталаб герцог агар Пакана  
князь гапирган кўкати топмаган бўлса,  
пўписасини амалга ошириб, унинг қалла-  
сини танидан жудо этмоқчи бўлди. Лекин  
Яковни ҳеч ердан излаб топиша олмади.

Энг яхши ошпазидан айрилиб қолмаслик  
учун герцог Паканани атайлаб яшириб  
қўйган,— деган гап билан князь герцогни  
алдамчиликда айблади. Герцогнинг жаҳли

инь ти-да, князга уруш эълон қилди. Жуда  
куп жангу жадалдан сўнг улар ярашилди  
ва князь бу инни нишонлаш учун ошпази-  
га хақиқий «Қиролча пироги» ниширишни  
буйурди. Бу пироги «Ярашув пироги» деб  
атаиди.

Шундай қилиб, Буруйбой Шакана эртаги  
хам ниҳоясига етди.



## МУНДАРИЖА

Митти Мук . . . . .	3
Бурунбой Пакана . . . . .	31

Литературно-художественное издание

Для дошкольного возраста

*На узбекском языке*

· Вильгельм Гауф

МАЛЕНЬКИЙ МУК

Сказки

Рассом Э. Ахунов

Расмлар редактори А. Маҳкамов

Техн. редактор М. Мирражабов

Корректор Г. Охунова

ИБ № 0336

Босмахована 07.09.90 й. берилди. Босмаши рухсат этилди 14.06.91 й. Формата 60×90<sup>1</sup>/<sub>16</sub>. Офсет коғози Тип Таиме гарнитураси Офсет босма. Шартли босма л 5,0. Шартли кр.-отт. 10,5. Нашр л 3,92. 35000 нусхяда Буюртма № 1131 Шартнома № 22—89. Баҳоси 3с.

«Чулпон» нашриёти, 700083 Тошкент, ГСН. «Правда» газетаси кучаси, 11

ЎзССР Матбуот Давлат кумитасининг Тошкент «Матбуот» матбаа ишлаб чиқариш бирлашмаси, Тошкент, Навоий кучаси, 30.

**Гауф, Вильгельм.**

Митти Мук; Бурунбой Пакана: Эртақлар:  
Боғча ёшидаги болалар учун (Рус тилидан  
У. Юнусова тарж.— Т.: Чўлпон, 1991.—80 б.

**Гауф, Вильгельм.** Маленький мук; Карлик  
Нос.

И (Нем)



50

300  
RABAH

